# Оила ва жамият

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

**18 (912) сон**
*23 — 29 апрель 2009 йил*
Web-site: oilavajamiyat.uz




**ГЎЗАЛЛИКНИ КИМ ҚУТҚАРАДИ?** 3

**ҚЎРҒОН ҚАНЧА МУСТАҲКАМ БЎЛСА...**



4

13



**БЕМОР ҚАЙТИБ КЕЛМАСА...**

**ГИННЕСНИНГ "РЕКОРДЛАР КИТОБИ"ГА**

**ЖИЗЗАХЛИК ДАЪВОГАР**



16




## КЕЧА:

➔ *Франция пойтахти Парижда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида "Дунё цивилизациясининг ривожида Тошкентнинг тутган ўрни" мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди.*

➔ *Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони (15 апрель) матбуотда эълон қилинди.*

## БУГУН:

➔ *Бутун дунё миқёсида Халқаро оламни асраш кунига бағишланган турли тадбирлар бўлиб ўтади.*

➔ *Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида пойтахтимизнинг 2200 йиллик тўйига бағишлаб очилган тасвирий санъат ҳафталиги давом этаяпти.*

## ЭРТАГА:

➔ *1 май куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Олтин қалам» IV Миллий мукофоти учун ўтказилган халқаро танлов ғолиблари ва совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.*

➔ *Синоптикларнинг берган хабарларига кўра... серёғин келган баҳорнинг кутилмаган ёмғирлари очилиб, деҳқонларни узоқ куттирган дала юмушлари бошланиб кетади!*

## ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:


Ташқи гўзалликни эмас, ичкисини асраб қолайлик — 3

Тушларимга онам киради... — 5

Адиб билан 67 йил бирга яшаган аянинг эътирофлари — 6

«Севдим» деб ким биринчи айта олиши мумкин? — 7

Танқид билан танбеҳнинг орасида фарқ борми, бўлса... — 11

«Онаси» деган эр «онангни...» деб сўкса, дардингизни кимга айтасиз? — 12

Чимилдиқ ўрнига... қамоқхонага киришди — 12

Пойтуғлик келиннинг пойқадами ёқди — 14

# АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ДАВЛАТ МУҲОФАЗАСИДА

*СЕМИНАР-ТРЕНИНГ*

Куни кеча Тошкент шаҳрида БМТ Тараққиёт Дастурининг «Ўзбекистонда аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш учун ҳуқуқий ва ташкилий салоҳиятини ривожлантириш» лойиҳаси, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Республика Ички ишлар вазирлиги, шунингдек, Республика Бош прокуратураси билан ҳамкорликда ИИВ ходимлари ва профилактика инспекторлари учун «Одам савдоси ва оиладаги келишмовчиликларнинг олдини олишда профилактика инспекторларининг роли» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.



Семинарнинг очилиш қисмида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Гулнора Маруфова, БМТ Тараққиёт Дастурининг доимий вакили ўринбосари Киоко Постилл, Тошкент шаҳар ИИББ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи Азиз Эрназаров ва бошқалар сўзга чиқдилар.

— Аёллар ҳуқуқларини паймол қиладиган ҳар қандай зўравонликка чек қўйиш мақсадида 1979 йил БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан CEDAW, яъни хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида конвенция қабул қилинган эди, — дейди Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси аёллар ва ёшлар масалалари бўйича раис ўринбосари Нигора Ғаффорова. — Мамлакатимиз мустақиликка эришгач, 1995 йилда Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб ушбу конвенцияни ратификация қилди ва CEDAW қўмитасига бу муҳим ҳужжатнинг республикадаги ижроси бўйича тўртта даврий маърузани тақдим этди. Аёлларнинг эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида фаол иштирок этишлари, мамлакатимиз тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишларга шарт-шароит яратиб бериш давлатимизнинг бош мақсадларидан биридир.

Икки кун давом этган тренингда Аёллар ҳуқуқлари ҳимояси билан шуғулланадиган барча ташкилотлар вакиллари касб фаолияти давомида бевосита дуч келадиган профилактика инспекторлари учун хотин-қизлар ҳуқуқларининг бузилиши масалалари бўйича чора-тадбирларни белгилаш кўникмалари механизмлари ишлаб чиқилди, назарий ва амалий машғулотлар олиб борилди.

Бундан ташқари, мазкур тадбир дастуридан ўрин олган одам савдоси ва аёллар ҳуқуқлари бўйича халқаро ва миллий қонунчилик, оилада хотин-қизларнинг камситилиши турлари, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни реабилитация қилиш, жинслар муносабатлари: тенг ҳамкорлик ёки зўрлик ишлатмаслик, ҳозирги даврда хотин-қизлар ҳуқуқларининг бузилиши турлари ва сабабларига бағишланган мавзулари бўйича маърузалари тингланди, эксперт тажрибалар ўрганилди.

**Лутфия СУЯРОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**
**Шерзод КАРИМОВ,**
**ҳуқуқшунос.**

*Адлия вазирлигида*

# ТАРҒИБОТ ГУРУҲИ ИШ БОШЛАДИ

**Адлия вазирлиги ташаббуси билан фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада юксалтириш, айниқса, олис қишлоқ ҳудудларидаги ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида, ҳуқуқий тарғибот гуруҳи ўз фаолиятини бошлади.**

Ушбу гуруҳга 7 нафар тажрибали ёш мутахассислар жалб қилиниб, улар мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётганислоҳотларни ноанъанавий тарзда, халқчил тилда ёшлар онгига сингдиришни ўз олдиларига вазифа этиб белгилашган.

Асосий мақсад эса, мамлакатимиздаги мактаб, лицей, коллеж ўқувчи — талабаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси борасидаги билимларини мустаҳкамлаш ва бошқа қонун ҳужжатларига ёшларда ҳурмат билан қараш туйғуларини тарбиялаш, ёшларнинг эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстириш, шунингдек, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишдан иборатдир.

Тадбирда ёш мутахассислар томонидан "Конституция – инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати", "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози моҳияти", "Ёшлар онгида солиқ маданиятини янада юксалтириш", "Давлат бошқаруви органлари тизими", "Экология маданияти, уни юксалтириш йўллари", "Одам савдоси — трансмиллий жиноят" ҳамда "Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият" мавзулари юзасидан баҳс-мунозаралар ташкил этилди.

Давра суҳбатида вазирлик масъул ходимлари, вилоят ва туман ҳокимлиги, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси вакиллари, ҳуқуқшунослар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Ушбу баҳс-мунозараларга Наманган вилоятининг Тўрақўрғон ҳамда Чуст туманларидаги олис қишлоқлардан 1000дан зиёд ёшлар жалб қилинди.

Тадбир сўнгида "ҳуқуқ билимдонлари" аниқланиб, уларга вазирликнинг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

**ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ЯНГИ ИЖОДИЙ БЕЛЛАШУВ!**

# "НАВРЎЗДАН НАВРЎЗГАЧА"

***Одамлару одамлар, боғда битган бодомлар! Эшитмадим деманглар, эшитганлар келинглар!***

***Йилбоши — Наврўзи олам ташриф буюраётган лаҳзаларда Она табиат, бутун борлиқ уйғонади, деймиз. Аслидачи? Бундай файзиёб кунларда энг аввало, одамзот уйғонади, унинг Кўнгил отлиғ сирли дунёси кўз очади. Руҳида, юрагида покланиш, тозариш бошланади.***

***Муҳтарам юртдошлар! Авлод-аждодларимиз неча минг йиллардан бери ўзларининг энг гўзал ва эъзозли сайлларидан бири сифатида қадрлаб, нишонлаб келган Наврўз бизнинг жаннатмонанд ўлкамизда айни истиқлол йилларидагина оммавий байрам сифатида ўзининг кўҳна ва навқирон шакли-шамойили, миллий қиёфаси ҳамда шарқона мазмун-моҳиятига эга бўлди. Шу боис "Оила ва жамият" газетаси таҳририяти ҳам ушбу айём арафасида ижодкорларни "НАВРЎЗДАН НАВРЎЗГАЧА" деб номланган***

## *ИЖОДИЙ БЕЛЛАШУВ майдонига чорлайди!*

Ушбу майдонга қалами(қамчиси эмас!) чархланганлар ўзларининг **"ҚАНОТЛИ ИЛҲОМ ОТ"**лари билан тушиб, мардона курашадилар. "ПУБЛИЦИСТИКА", "ШЕЪРИЯТ", "НАСР", "ҲАЖВИЯ" ва ниҳоят, "СУРАТ"(фото ва карикатура) деб номланган майдонларимиз сизга мунтазир.

Беллашув шартлари қуйидагича: компьютерда А-4 формат, бир ярим интервал оралиғи, кегл14,"TimesUZ» гарнитураси, ҳажми 5 бетгача (публицистик ва насрий асарлар учун) бўлган материаллар қабул қилинади. Қўшимча тарзда ўзингиз ҳақингизда қисқача маълумот, бир дона10Х15 ҳажмли фотосурат илова қилинг. Материалларни газетамизнинг электрон манзили ҳамда почта орқали юборишингиз мумкин. Сезиб турибмиз, табиийки, совринларга ҳам қизиқаяпсиз.

**Ғолибларга:**
**ТЕЛЕВИЗОР**
**DVD ПЛЕЙЕРЛАР**
**ҚЎЛ ТЕЛЕФОНЛАРИ**
**ФОТОАППАРАТЛАР**
**РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ мукофотлар берилади.**

*Шунингдек, «Оила ва жамият» саҳифаларида эълон қилинган энг яхши публицистик, насрий ва шеърий, фото ҳамда карикатура асарлари таҳририят ҳисобидан 2010 йилда китоб ҳолида чоп этилади.*

*Барча жанрлардаги материалларни қабул қилиш муддати 2009 йилнинг Наврўздан 2010 йилнинг Наврўзигача.*

**Маълумотлар учун телефонлар: 233-28-20, 233-04-35.**




# ЖАРҚЎРҒОНДА ДАВРА СУҲБАТИ

Ўзбекистон Болалар жамғармаси Сурхондарё вилоят бошқаруви, вилоят халқ таълими бошқармаси, Жарқўрғон туман халқ таълими бўлими, туман прокуратураси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгашлари ҳамкорлигида тумандаги 14-умумий ўрта таълим мактабида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган долзарб вазифалар ҳамда «Одам савдоси, диний экстремизм ва гиёҳвандликка қарши кураш учун ҳар биримиз масъулмиз» мавзуидаги давра суҳбати бўлиб ўтди.

Туман халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари Шарофат Бердиева тадбирни очар экан, ёшларни тарбиялашда «Маҳалла-мактаб-оила» концепцияси асосида олиб борилаётган амалий чора-тадбирлар ҳақида тўхталди. Туман прокурорининг ёрдамчиси Н.Нурманов умумжаҳон миқёсидаги муаммо бўлган одам савдосига қарши кураш маҳалла ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг иши бўлибгина қолмай, ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини таъкидлади.

«Гиёҳвандлик ва унинг зарарли оқибатлари» мавзуида маъруза қилган туман ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Ш.Чориев ёшларга таълим-тарбия беришда мактаб маъмуриятигина эмас, балки кенг жамоатчилик, барча бирдек масъул эканлигига урғу берди.

Айниқса, Ўзбекистон Болалар жамғармаси вилоят бошқарувининг раиси Шарофат Жалилованинг бола ҳуқуқлари билан боғлиқ фикр-мулоҳазалари кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Тадбир сўнггида мактаб ўқувчилари тайёрлаган гиёҳвандликнинг салбий оқибатларини акс эттирувчи саҳна кўриниши намойиш этилди.

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**«Оила ва жамият» мухбири,**
**Сурхондарё вилояти.**

*Болалар спорти*

# ЧЕМПИОНЛАР АНИҚЛАНДИ

Республика шахмат-шашка клубида ўн тўрт ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган мамлакат биринчилигида саксон нафардан зиёд ёш шахматчи ғолиблик учун куч синашди.

Қизлар ўртасидаги беллашувларда тошкентлик Елена Вербова, навоийлик Моҳинур Қаҳрамонова ҳамда самарқандлик Фарида Хурсанова тўққизинчи тур учрашувларини муваффақиятли якунлаб, еттитадан очко тўплади.

Шу боис чемпион тай-брейкда аниқланди. Унда уч партияда зафар қучган Е.Вербова мамлакат чемпиони, деб топилди. Иккинчи ўрин биттадан ғалаба ва дурангга эришган М.Қаҳрамоновага насиб этган бўлса, Ф.Хурсанова кучли учликдан жой олди.

Ўғил болалар ўртасида ҳам ғолиб қўшимча партияларда аниқланди. Сўнгги тур олдидан етти ярим очко тўплаган сурхондарёлик Бобур Сатторовда чемпионликни қўлга киритиш имконияти бор эди. Лекин у ҳал қилувчи паллада самарқандлик Алихон Гусейнов билан дуранг ўйнади. Бундан унумли фойдаланган пойтахтлик Олег Артеменко Тошкент вилояти вакили Санжар Самиевни енгиб, очколар бўйича пешқадамга етиб олди. Тай-брейкни муваффақиятли якунлаган Олег олтин медалга сазовор бўлди. Б.Сатторов кумуш, бухоролик Қосим Алиев бронза медаль билан тақдирланди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

НИГОҲ

# ГЎЗАЛЛИКНИ КИМ ҚУТҚАРАДИ?

Оламни гўзал кўриш иштиёқимиз, кайфиятимиз, муносабатимиз, аввало, меҳнату шижоатимизга боғлиқ. Одамни гўзал кўриш эса қадимий ташхис — муҳаббат билан алоқадор бўлса керак...

Аммо ҳаммага, ё кўпчиликка гўзал кўринишни ким ҳам истамайди, дейсиз? Бу истакни амалга ошириш ҳам оппа-осондек. Чунки энди гўзаллик илгаригидек «қурбонлик» талаб этмайди. Тараққиёт шу даражага етдики, қоматингизни расо қилиш учун махсус мосламалар нафақат ультратовушлар орқали танангизни уқалайди, ҳатто биратўласига даволайди ҳам. Шундай дори-дармон воситалари борки, улар сизнинг ички аъзоларингизни соғломлаштириш асносида ташқи кўринишингизни ҳам яхшилашга ёрдам беради.

Бетакрорлиги ва бежиримлиги билан ҳар қандай хонимларнинг кўзларини ёндириб юборар даражадаги ғаройиб тақинчоқлар, атир, упа-элик, лак, сочбўёқ, лаб бўёқ, кийим-кечакларни саралаб олиш имкониятининг нақадар кенгайиб кетгани ҳақида гапирмай қўя қолайлик. Нархлари-чи, дейсизми? Албатта, бу гўзаллик воситалари сизга ваъда қилаётган натижаларга солиштирилганда «деярли текин»дек. Кимга қанақа, аммо камида 100.000 сўм турувчи «Sensi·white noteg» атрини ёки нархи 10000 сўмдан кам бўлмаган «Suicu wear duo» лаб бўёғини сотиб олишга, ортиқча вазндан оғриқларсиз, қийналмай халос бўлиш учун ўртача 10000-12000 сўмлик оздирувчи дорилар, ой юзингизга бешафқат тушган турли ажинлару доғларни бартараф этишга шай турган «Renergie morphdige» даволовчи ёғ упалари ва, ниҳоят... ёшингиз сал ўтинқираган бўлса-да, бир неча соат ичида керак бўлса, 15-20 ёшга яшартириб қўймоққа шай турган жарроҳларни айтмайсиз. Сиздан угина, биздан эса... дейдиган косметологу маникюр, педикюрларни сўраманг.

Лекин унутмайлик, одамнинг ички гўзаллиги унинг ташқи кўринишида ҳам намоён бўлмоғи шарт. Гарчи «кийимингга қараб кутиб олишади, ақлингга қараб кузатишади», деган ақидалар ҳали ҳам бор гап. Тўғри, олам шиддат билан «гўзаллашиб» бормокда: бўй қизларнинг очиқ қорнида, киндикларида исирға, бўй йигитларнинг сочлари ола-була, шимлари яримта шортик, дегандай... Аёллар эса кўчага олишувга отланган амазонкалар сингари юзларига бир пардоз воситасини минг турга солиб, суриб чиқишади. Ахир, бекорга айтишмаган: «Хотин-қизлар ўз пардозлари учун эркакларнинг ярим умрига сарфлаган маблағидан кўра кўпроқ пул харжлашади. Ва шу сабабдан ҳам улар эркакларга нисбатан кўпроқ «ғалаба нашидаси»ни суришади». Эндиликда эса бундай «ғолиблик»ни эркаклар ҳам қўлдан бой беришмаяпти: ҳозирда энг бозоргир маҳсулотлар қаторида эркаклар упа-элиги, атир-лосьонлари, костюму пиджаклари, ундан кейингина автомобиллар, уяли телефонлар ва энг охирида... аёлларга эътибори... ошиб бораётгандек. Бу аҳвол эса гўё қачонгача эмас, то абад давом этаверадигандек.

Биз тинимсиз мода ортидан қувавераммиз, мураккаблаша-мураккаблаша оддийлашиб бораверамиз. Айтинг, айтинг, ишқилиб Дарвиннинг: «Маймуннинг одамга айланишида меҳнатнинг роли», деган машҳур назарияси ҳозирда инкор этилаётганига қарамай: «Одамнинг маймунга айланишида моданинг роли» бўлиб ўзгариб кетмасин-да! Ахир, ер юзида минг-минглаб одамлар пластик жарроҳлик усуллари билан қоматидан тортиб, юз-кўзигача ўзгартираётган бир пайтда (бу бизда ҳам янгилик эмас) маймунбашара бўлиш, кийиниш, ифор таратиш урфга кириб кетмаса бўлгани.

Ҳа, «Гўзаллик - оламни қутқаради» (Ф.М.Достоевский) деган ҳикмат ҳаммага маълум ва тушунарли бўлиб қолган замонда, жон-жаҳдимиз билан гўзалликнинг ўзини қутқаришга ҳаракат қилаётган эканмиз, бунинг нимаси ёмон?

Тўғри, гўзалликнинг нархи қиммат, ҳатто жуда қиммат бўлиши ҳам мумкин. ГЎЗАЛЛИКни (ташқиси ўткинчи эканлигини эсдан чиқармай, ҳеч бўлмаса ичкисини асраб қолайлик) моддий ҳисоб-китоб билан эмас, аксинча, маънавий савол-жавоб билан ўлчашни унутмайлик!





**Дилфуза ҚЎЗИЕВА,**
**журналист.**

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ



# “ШОДИЁНА”ДАГИ ШОДЛИКЛАР

Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл шаҳрида жойлашган 16-сонли санаторий типидаги бу боғча ҳовлисига кирган кишининг кўзлари қувнайди. Негаки, бу “митти шаҳарча”нинг соҳиблари бўлмиш болакайларнинг сиҳат-саломатликларини тиклаш ва мароқли дам олишлари учун бевосита ҳукуматимиз барча шарт-шароитларни яратиб берган.

— Тўрткўл тумани халқ таълими бўлимига қарашли “Шодиёна” боғча-яслимизда бугунги кунда 280 нафар бола 12 гуруҳга бўлиниб тарбияланмоқда, — **дейди мудира, “Шуҳрат” медали соҳибаси Раъно РОЗИМБЕТОВА.** — Маълумки, Оролбўйи минтақасида экологик аҳволнинг кескин ўзгараётгани нафақат бизнинг мамлакатимиз, балки бошқа ҳудудларга ҳам ўз таъсирини кўрсатаётгани тўғрисида бежизга бонг урилмаяпти. Шу боис ҳам бундан тўққиз йил аввал энг аввало болаларимизнинг соғлом бўлиб вояга етишларини, қолаверса, уларни жисмоний ва руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу икки қаватли бино санаторий боғча-яслига айлантирилган эди. Ўтган йиллар давомида тез-тез хасталанишга мойил бўлган, сурункали бронхит, нутқида нуқсони бор ҳамда бўқоққа чалинган болалар тарбияланиб, даволанадиган бу маскандаги дам олиш ва машғулотлар ўтказиладиган хона, заллар қайтадан жиҳозланди. Махсус ўйин майдончалари ташкил этилган. Тарбиячилар ва шифокорларимиз болакайларнинг кўнгилли дам олишлари учун куну тун беминнат хизмат қилишяпти.

Тўрт тарафи мевали ва манзарали дарахтлар билан ўралган “Шодиёна”нинг ўзида махсус иссиқхона қурилиб, тарбияланувчилар дастурхонидан кеч куздан баҳор охиригача турли хил мева-чевалар аримайди. Бинонинг ўзида спорт зали, соғломлаштириш маркази, бассейн, қуёш ванналари ишлаб турибди. Бир сўз билан айтганда, Тўрткўлдаги бу мўъжазгина оромгоҳ чин маънода болаларимизнинг соғу саломат бўлиб камолга етишлари йўлида мустаҳкам замин бўлаётир.

**Авазжон БЕКМУРОТОВА,**
**“Оила ва жамият” мухбири.**
**Қорақалпоғистон Республикаси.**

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ

# ИЖОД САЙЛИГА АЙЛАНДИ

Ўзбекистон Бадиий Ижодкорлар Уюшмаси ташаббуси билан 21-25 апрел кунлари Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тасвирий санъати ҳафталиги бошланди.

Иштирокчиларнинг ижодий ишлари Марказий кўргазмалар залига яқин жойлашган кўча ва хиёбонларда ҳамда пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларида намойиш этилиб, ҳақиқий ижод сайлига айланди.







Шаҳар ўқувчилар ижодиёти марказининг амалий санъат бўлимига қарашли миллий каштачилик тўгараги иштирокчиси Динара Бобоева ўн ёшидан бошлаб каштачилик сирларини ўрганиб келаётганини, бугунги кўргазмага ўзи тиккан қўл чоклари намуналари билан иштирок этаётганини қувониб сўзлаб берди.

Бектемир туманидаги 292-мактабнинг 2 «а» синф ўқувчиси Улуғбек Мербеков эндигина чизаётган ишини «Иноқ дўстлар» деб атабди. Улуғбек картон қоғозлардан машиналар, кубиклар ясашга ҳам қизиқар экан.

Оддий тахтачаларга турли нақшлар билан жило бераётган болалар Шайхонтоҳур туманидаги Болалар ижодиёти уйидан келишибди. Шарқ миниатюра рассомчилик тўгараги раҳбари Содиқжон Файзиевнинг айтишича, бу ерда таҳсил кўраётганларнинг аксарияти болалигидан бошлаб тасвирий санъатга қизиққан, айни пайтда устозларининг таъриф беришича, уларнинг «анча қўллари ҳам келиб қолибди»

Оддий матолар, терилар, Самарқандча қоғозларга жило бериб, уларни кишининг кўзини қувонтирадиган даражадаги санъат асарига айлантириш осон иш эмас, албатта.

Бу йилги тасвирий санъат ҳафталигида Англия, Америка Қўшма Штатлари, Россия ва Озарбайжон давлатларидан ҳам таниқли ижодкорлар иштирок этишмоқда.

**Нигора РАҲМОНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

**Суратларни Машраб НУРИНБОЕВ олган.**

## *Садриддин Салим Бухорий:* ҚЎРҒОНИ ЙЎҚ ОИЛА ДЕВОРСИЗ БОҚҚА ЎХШАЙДИ!

***Иллат излаганга иллатдир дунё,***
***Ғурбат излаганга, ғурбатдир дунё.***
***Ким нени изласа топгай бегумон,***
***Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё.***

***Бу машҳур сатрларни сиз ҳам кўп бора эшитгансиз, муҳтарам газетхон! Инсоннинг сирли хилқат саналмиш руҳий олами ҳақида нақадар теран хулоса! Бу тўртлик таниқли шоир, олим, таржимон ва тарихчи, «Меҳнат шуҳрати» ва «Фидокорона хизматлари учун» орденлари соҳиби Садриддин Салим Бухорий қаламига мансуб. Унинг ўн бешга яқин шеърий ва тарихга оид китоблари ўз мухлислари кўнглидан жой олган.***

**— Садриддин ака, турли давру замонлардан буён оиланинг муқаддас эканлигига алоҳида урғу бериб келинган. Ушбу таърифга сизнинг муносабатингиз қандай?**

— Оилани мен муқаддас қўрғон деб биламан. Қўрғон қанча мустаҳкам, бақувват бўлса, унинг ичидагилар шунчалик бехатардир. Нега «муқаддас» деган сўзни ишлатдик? Чунки Аллоҳ таоло иродаси билан оила ташкил топган ва уни қиёматгача пок тутмоқ бизга буюрилган. У шунчаки эркак ва аёлнинг қовушуви эмас. Қўрғони йўқ оилани мен деворсиз боққа ўхшатаман. Бундай боғ, албатта, пайҳон этилади. Уни мустаҳкам қиладиган ришталардан бири, бу энг аввало ота-онанинг, яъни эр-хотиннинг тотувлигидир. Улар бир-бирлари билан тотув бўлса, фарзандлар ҳам аҳил бўлади. Фарзандларга болаликдан шукронани, меҳнатни, она юрт билан фахрланиш туйғуларини сингдириш керак.

Шарқда қадим-қадимдан оила шаъни, оила шарафи улуғ саналган, уни асрамоқ, ҳимоя қилмоқ ҳаёт-мамот масаласи бўлган. Ҳар бир миллатнинг келажаги оиланинг соғломлигига боғлиқ. Унинг соғломлиги эса ҳалол луқмага боғлиқ. Оила бир неча минг йиллик одоб-ахлоқ тамойиллари, урф-одатлар, анъаналар, удумлар сақланган хазина. Ушбу маънавий бойлик фарзандларга оилада сингдирилади. Оддий Ҳусайнни Ҳазрат Ибн Сино, оддий Муҳаммад ибн Исмоилни Ҳазрат Имом Бухорий, оддий Абдулхолиқни Ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувоний, оддий Алишерни Ҳазрат Навоий бўлишларига оиланинг таъсири катта бўлганлигини унутмаслигимиз даркор.

Ўзбек қизлари ҳаё, вафо, садоқат илмини, ўғлонлар мардлик, матонат, ватанпарварлик илмини қаердан ўрганган? Албатта, оиладан. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «Ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар энг аввало оилада шаклланади».

**— Ўзингиз ўсиб-улғайган оила хусусида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Отам Мулло Наби Салим ўғли Мир Араб мадрасасини тугатган, ғоят ҳалим, тақводор, ғайратли зот эдилар. 1959 йил у киши вафот қилганларида, мен ўн уч ёшда эдим. Биз оилада беш фарзанд бўлиб, мен кенжаси эдим. Хотирамда отам китоб мутолаа этаётган ҳолда муҳрланиб қолганлар. У кишида бўш вақтнинг ўзи йўқ эди. Бизларга ҳам бўш вақт қолдирмасликка ҳаракат қилардилар. Ҳар бир оила аъзосининг ўз вазифаси бор эди. Опаларим овқат пиширмоқ, супуриб-сидирмоққа масъул, шу билан бирга онам билан зардўз дўппи тикардилар. Акаларим ҳам корхонада меҳнат қилиш билан бирга уйда зардўз тикарди. Онам бу ҳунарни оиланинг барча аъзоларига ўргатгандилар.



Отам кечалари қорачироқ ёруғлигида бизга гоҳ тарих, гоҳ адабиёт, гоҳ табобатга доир асарларни ўқиб берар ва эринмай тушунтирардилар. Албатта, менга кўчада ўйнашга ҳам рухсат бўларди. Негаки, мен жуда шўх ва эркароқ эдим-да. Лекин бетайин болалар билан ўйнашга рухсат бермасдилар. Бир кун отамдан сўрамасдан тенгдошларим Салим ва Қамар билан Бухородаги машҳур сайлгоҳ — Лаби Ҳовузга бордик. Узоқдан отамни кўриб, қаттиқ ҳаяжонландим ва биз яширинишга ҳаракат қилдик. У киши ёнимиздан бизларни кўрмагандек ўтиб кетдилар. Уйга келганимда менга қаттиқ тикилдилар ва «мулло, бу ҳол иккинчи такрорланмасин!» — дедилар босиқлик билан. Шу-шу мен сўрамасдан бирор жойга борганим йўқ. Отам мени ўзлари билан замонанинг уламолари, фузалолари уйларига эргаштириб борар ва суҳбат охирида албатта: «Фарзандимиз ҳаққига дуо қилинг!» дердилар. «Ёмғир билан ер кўкарар, дуо билан эл кўкарар» деган мақол бежиз айтилмаган. Падари бузрукворимиз умрларида бизни ҳатто бир мушт ҳам урмаганлар, асло сўкмаганлар. Отам ёхуд онам бизга гапирсалар, албатта сўзларига Мир Алишер Навоий, ёхуд Саъдий, ёки бошқа алломанинг байтларини қўшардилар. Иккалалари ҳам жуда кўп байтларни ёддан билардилар. Ёшлигимдаёқ мумтоз адабиёт вакилларининг ғазалларини ёдлатганлар, оилавий суҳбатларда мақол, матал, латифа, эртак, топишмоқлар айтиларди.

**— Онангиз ҳақида ҳам тўхталсангиз. У кишининг оиладаги ўрни қандай бўлган?**

— Онам ҳам ўқимишли эдилар. Аҳмад Яссавий ҳикматлари, Хожа Ҳофиз байтлари, Мирзо Бедил ғазалларини айтиб бешик тебратганлар, бизни улғайтирганлар. У замонларда туғруқхона йўқ эди, онам доялик ҳам қилардилар. Айтганимдек, зардўзлик билан ҳам шуғулланганлар. Онам умрларида биров билан жанжаллашмаган. Ўзларини ноҳақ ранжитганларга ҳам оғир гапирмасдилар. Энг қаттиқ гаплари: «Ким ҳақ, ким ноҳақлиги Ўзига аён. Худога ҳавола қилдим!» дейиш эди. Онам ҳамманинг кўнглини топишга ҳаракат қиларди. Жуда сўзлари равон, саховатли, назарбаланд, жасоратли эдилар. Уйимизда ўтадиган маъракаларда овқат пишириш учун қўшни гузардан бир ўрта ёшли аёл келарди. Онам уйдагиларга: «Ошпаз ул-бул нарсаларни сўрамасдан олса, зинҳор унга танбеҳ берманглар. Чунки ўзи тул, уч фарзанди ёш», дердилар. Мен ошпазнинг қўлига диққат билан қарамадим, лекин унинг қўли тўғри эди. «Ошпазнинг қўли тўппа-тўғри-ку. Нега уни эгри дейишади?» деб онамга савол берардим. Онам: «Ўғлим, ҳалол ишлайдиган қўл тўғри, ўғрилик қиладиган, ҳаром ишларни қиладиган қўлни эгри дейдилар. Сиз ҳаракат қилинг, қўлингиз доим тўғри бўлсин!» — деб, эгри ва тўғри қўллар ҳақида мисоллар, ҳикоятлар, байтлар билан батафсил маълумот берардилар. Йиллар ўтди, қўли эгри аёлнинг бир фарзанди ўғри, бошқаси нашаванд бўлди. Хуллас, у фарзандлари ҳузурини кўра олмади. Билдимки, эгри қўл оиланинг кушандаси экан...

**— Садриддин ака, табиийки, ҳамма ўз болалигини ёруғ хотиралар билан эслайди. Сиз ўзингиз ўсиб-улғайган оиладаги ибратли, ҳаётий воқеаларни бирмабир эслаяпсиз. Энди беихтиёр ўзингизнинг ёшлигингиз билан боғлиқ унутилмас хотиралар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— Кўп қатори менинг ҳам орзуим велосипед миниш эди. Янги велосипед олиб беришди. Тенгдошларим билан бирга Бухоро шаҳридан 10 километр узоқликда жойлашган Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳларига велосипедда бордик. Даҳмага кириш таъқиқланган, қудуқ қулфланган, хонақоҳ ярим вайрона эди. Биз узоқдан бўлса-да, зиёрат қилиб, орқага қайтдик. Катта йўлнинг ёқасидаги полизга кўзимиз тушди. Қоровулни чақирдик, тополмадик, чор атрофда ҳеч ким йўқ эди. Шунда полизга кирдик ва палагини тагига пул қўйиб, битта қовунни узиб олдик. Ариқ лабида ўтириб, уни иштаҳа билан едик. Уйга келганимда сафар таассуротларини бир бошдан онамга айтдим. Полиз воқеасини эшитганларидан сўнг: «Инсон бўла туриб, курт-қумурсқа ишини қилибсизларда, ўғлим!» — дедилар. Мен у кишидан мақтов кутаётган эдим, мен ўзимни оқламоқчи бўлиб дедим: «Ахир биз пулини...» — дейишим биланоқ сўзимни кесиб: «Сўрамасдан фақат курт-қумурсқа ейди. Чунки уларга ақл берилмаган. Инсонга ақл берилган. Инсон, албатта, бир нарсани олишдан олдин унинг эгасидан сўраши керак, рози қилиши шарт. Сизларнинг ишларингиз ўғрилик ҳисобланади!» Қилган «қаҳрамон»лигимиздан пушаймон бўлиб: «Онажон, кечиринг! Бу ишни билмасдан қилибмиз. Энди нима қилайлик?» — деганимизда, у киши: «Имкон топиб бориб эгасидан розилик сўрайсизлар», деб жавоб бердилар...

Буни кўрингки, бу полиз воқеасига ҳам ярим асрдан ошди, ҳамон ўша даланинг ёнидан ўтиб кетаётганимда мени хижолатдан тер босади, деҳқонни ҳали ҳам дуо қиламан. Лекин қайтиб курт-қумурсқа ишини қилмадим, яъни бировнинг нарсасини сўрамасдан олмадим.

**— Нима деб ўйлайсиз, умуман тарбиянинг ўлчови, мезонлари нималар билан белгиланади?**

**ГУРУНГ**

— Тарбия нима ўзи? Танбеҳми? Тергашми? Ёхуд тасма билан уриб болани йўлга солишми? Пиёниста қўшнимиз ҳар куни тасма билан ўғлига «тарбия» берарди. Охир-оқибат ўғил улғайиб, ичишда ҳам, тасма билан «тарбия» беришда ҳам отасидан ўтди. Энди ҳар кун ўғил ўз отасига тасма билан «тарбия» бера бошлади... Тарбияда танбеҳ ҳам, тергаш ҳам меъёридан ўтмаслиги лозим. Лекин тасма-ю, калтак ўрнида ақлни ишлатмоқ даркор.

Яқинда Бухоро шаҳридаги машҳур Болойи Ҳовуз мажмуасидаги қийшайган минорани тадбир билан тиклади. Уни йиқитганлари, бузганлари йўқ, Қийшайган минорани темир тасмалар билан ўраб боғладилар, кейин аста-аста тортиб, асл ҳолига келтирдилар. Бунинг учун анча вақт, анча куч, анча маблағ, анча илм сарф этилди, албатта! Муҳандислар, усталар, олимлар, тадбиркорлар бирлашиб қийшайган минорани тўғрилашди. «Қийшайган» фарзандни ҳам тўғрилаш мумкин. Бунда эса оила, маҳалла, жамоатчилик вакиллари, ўқитувчилар бирлашиб, ҳаракат қилиши керак. Нотўғри йўлга кирган бола, ўз хатосини англаб, ўзини ўнглаб олади. Лекин бунинг учун катта тажриба, сабр, матонат, меҳру мурувват лозим.

**— Оила билан боғлиқ яна бир савол: тежамкорликнинг оила иқтисодидаги ўрни ҳақида қандай фикрдасиз?**

— Бизнинг оиламизда авваллари: «Тежамкорлик бахиллик эмас, исроф саховат бўлмас!» деган мақолга амал этиларди. Гуруч ювилса, унинг суви ташланмасди. Балки идиш-товоқ ювишга қайта ишлатиларди. Ҳатто ўчоқ ёки тандирдан чиққан кулни ҳам ахлатга ташламай, кулни бир латтага боғлаб, қозондаги сувга солиб қўярдилар. Ундан иссиқ сув билан кир ювилса, мато тозароқ ва мустаҳкамроқ бўлади. Қоғоз парчаси ҳам, чўп ҳам ташланмасди, хуллас, уйимиздан чиқинди ташқарига чиқмасди. Айниқса, қоғоз доим мўътабар ҳисобланар эди. Оиламизда нон ушоғини, қоғозни, китобни оёқости қилмоқ, ариқ сувига тупурмоқ, унга ахлат ташламоқ, кўчага мағзава сепмоқ, бировнинг ҳақига хиёнат қилмоқ оғир гуноҳ, деб онгимизга сингдирилганди.

**— Гурунгимиз сўнггида ўз оилангиз хусусида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Турмуш йўлдошим Моҳира, олий маълумотли ўқитувчи. Шу касбдан нафақага чиққан. Лекин бизнинг хонадонга келин бўлиб келган кунидан бошлаб онамдан зардўзликни, тикувчилик касбларини ўрганди. У ҳам ўз навбатида бу касбларни иккала қизимизга ўргатди. Қизларим ҳам, ўғилларим ҳам ҳаётда ўз ўринларини топиб бормоқдалар.

**«Оила ва жамият» мухбири Моҳигул НАЗАРОВА ёзиб олди.**

## МЕҲР ҚОЛУР, МУҲАББАТ ҚОЛУР

# КЎЗЛАРИНГДАН АЙЛАНАЙ

***Фарзандингизнинг қилган хатоси учун койиганингизда ёки айтган нарсасини олиб бермаганингизда, йиғласа чидаб туролмайсиз, бошини силаб эркалайсиз. Лекин болангизнинг ўксиб йиғлаганини, мунгли кўзларини кўрганингизда юрагингиз тилка-пора, кўнглингиз озорлангандек бўлади.***

— Боланинг ҳар қандай йиғиси меҳрга ташналик олдида ҳеч нарса эмас. Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болаларнинг қалбига қанчалик таскин берманг, юпатманг, ҳеч нарса ота-онасининг ўрнини босолмайди, — **дейди Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлимига қарашли 24-Меҳрибонлик уйи ўқув-тарбиявий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари Саломат Абдураҳмонова.** — Бу ерда 92 нафар, 3 ёшдан-11 ёшгача бўлган болалар тарбияланади. Уларнинг ота-онаси ҳақида, нима десамикан, ҳеч ким ёмон демайди, тўғрими, шу боис барибир соғинишади, кутишади. Тансиқроқ егулик бўладими, ёки откриткалар ясашадими, ота-оналарига илинишади, асраб қўйишади.

Меҳрибонлик уйини айланиб юрарканман, дераза олдида хаёлчан турган болакай диққатимни тортди. Исми Дима экан.

— У соатлаб деразанинг олдидан кетмайди, — дейди тарбиячиси. — Гарчи ота-онаси уни ҳар доим оч-наҳор, қаровсиз қолдиришган, ҳатто ичиб олиб дўппослашган бўлса-да, у оиласига қайтгиси келади.

Тарбиячилардан бири мени тўгаракларга бошлайди.

Расм тўгарагида сурат чизиш билан машғул болалар бизни кўриб, ўринларидан туришиб, бараварига «ассалому алайкум» дея кутиб олишди.

— Тарбиячиларингизни яхши кўрасизларми?

Жилмайишади.

— Тарбиячиларингизни ким деб чақирасизлар?

— Ойижон!

— Мана, сизларга печенье, конфет. Ёқимли иштаҳа, — дейди тарбиячи ҳам ҳар бир боланинг олдига ширинликларни қўйганча. Улар яна бараварига «раҳмат», дейишади. Лекин ҳеч ким биринчи бўлиб ширинликларга қўл узатмайди...

Шу лаҳза кўз ўнгимда ўзимнинг эркатой, тантиқ ва инжиқ фарзандларим гавдаланади.

Болалар чизаётган Ватан, табиат ҳақидаги суратларни кўздан кечирар эканман, энг кўп чизилган этюдлар ота, она, буви, бува ва балки ўзлари ҳеч қачон кўрмаган опа-сингил, ака-укалар акс этганлари эди.

— Мана бу менинг ойим, — дейди бир қизалоқ, узун сочлари битта қилиб ўрилган аёл суратини кўрсатиб. — Ойимлар шунақа...

5 ёшли болакай ўзи чизган суратини кўрсатиб: «Буниси менинг ойим», — дейди кўзларини пирпиратганча ярми балиқ, ярми аёл шаклидаги сув парисига ишора қилиб. «Бу сув париси-ку» дейман, ажабланиб. «Йўқ, бу менинг ойим, чиройли, оёқлари ҳам худди шундай, юролмайди — сувдан чиқолмайди, шунинг учун мени кўргани келолмайди», дейди у ишонч билан.

Ётоқхонага ўтаверишдаги узун йўлакка плакат илиб қўйилган. Унда болаларнинг ўз қўллари билан бисердан тиккан кашталари, чизган суратлари, наққошлик асарлари, ўзлари ёзган шеърлари ўз аксини топган. Энг қизиғи, улар орасидаги энг кўп ижод намуналари ҳам «Менинг оилам» деб номланган туркумлар экан.

— Болаларнинг ҳар биттаси бир олам. Уларда қайсидир соҳага, ҳунарга қизиқиш, иқтидор бор. Ана шу қобилият, қизиқишларини ҳисобга олиб, улар учун 9 та тўгарак ишлайди, — дейди Саломат опа. — Экология, рақс, пазандачилик, бисер тикиш, моҳир қўллар, дурадгорлик... Бу ҳунарларнинг сир-асрорларини етук мутахассислар қўлларидан келгунча ўргатишяпти.



Тарбиячилардан бири мени болалар телевизор кўриб ўтирган хонага бошлайди. Чиройли, катта-катта гиламлар тўшалган хонада ҳамма жамулжам. Лекин диваннинг бир чеккасида кўзлари намланган қизчага кўзим тушди. Унинг боши хам, кўз ёшлари юзини ювиб-ювиб тушарди. Мен ёшгина қизалоқнинг унсиз, жимгина йиғлаётганини кўриб алланечук бўлиб кетдим. Ҳамроҳлик қилаётган тарбиячиси секин ёнига борди-да, меҳрибонлик билан бошини силаганча:

— Мадина, қизим, нега йиғлаяпсан? — деб сўради

У жим бўлиб қолди.

— Ким сени хафа қилди?

Бу саволга яна унинг юзидан оқиб тушган дув-дув ёшлар жавоб бўлди.

Шунда унинг ўрнига ёши сал каттароқ қизча жавоб берди: «Шкафдаги кийимларини зўрға тахлаб қўйган экан, кимдир сочиб ташлабди. Шунга йиғлаяпти».

— Йиғлама жоним, йиғлама, — деди меҳрибонлик билан тарбиячи. — Бор, бошқатдан тахлаб қўй.

Қизча оҳиста ўрнидан турди-да, ётоқхонага қараб юрди. Ер тепиниб «тахламайман, нега титиб ташлайди?» демади, хархаша қилмади.

Биз ётоқхонага кирдик. Ҳамма нарса жой-жойида, саранжом-саришта, оппоқ, тоза чойшаб тўшалган ётоқ жиҳозлари, болалар учун катта-кичик ҳар хил ўйинчоқлар... Ҳавасланганимни кўрган ҳамроҳим изоҳ беради:

— Эҳ-ҳе, ҳомийларимиз жудаям савобталаб. «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси, Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туман прокуратураси... тадбиркору турли тоифадаги одамлар. Улар ҳар бир байраму тадбирларда болажонларимизни йўқлаб келишади, совға-саломлар улашишади.

Ётоқхонадаги кийим иладиган шкаф ёнида ҳалиги қизча — Мадина уст-бошларини тахлаётган экан. У унсиз, жимгина йиғлаётганди. Она бўлганим учунми менга кичкина қизалоқнинг бу ҳолати барибир таъсир қилди.

Бу ердаги болалар билан тил топишиш негадир бошқаларга қараганда осонроқ. Улар кўзларини жавдиратганча: чақиришингизни, бошини силаб, эркалашингизни кутиб туради, гўё. Саволларингизга дарҳол жавоб беришга, кўнглингиздан жой олишга интилишади.

— Опажон, кундалик тутганман, ўқиб кўрасизми? — дейди сочлари жингалак, мовий кўзли 11 ёшли Наргиза менга юзланиб.

Кичкина қизил муқовалик дафтарни варақлайман. **«Ойижон, тунов куни тарбиячимиз Манзура опа мени уйига олиб кетди. Мен тенги ўғиллари бор экан. Уларнинг дадаси ишдан келгач, ойиси дастурхон ёзди. Манзура опам ширин кулча пиширган экан. Болалар кулчаларни охиригача ейишмади. Шунда мен қорним тўқ бўлсаям, уларнинг кулчаларини ҳам еб қўйдим. Биласизми, нега? Манзура опамнинг хафа бўлишини истамадим. Қанийди, сиз ёнимда бўлсангизу, менга ширин кулчалар пишириб берсангиз? Сизни хурсанд қилиш учун ҳамма-ҳаммасини ердим...»**

— Кулчаларни яхши кўрасанми, — дейман кундаликдан бошимни кўтариб.

— Ҳм, — дейди у бошини сарак-сарак қилганча.

Бизнинг суҳбатимизни эшитиб турган беш ёшли Самандар олдимга югуриб келганча:

— Мен ҳам яхши кўраман. Биз тарбиячиларимизни ойижон деймиз, сизниям ойижон, десам бўладими?

— Бўлади, — дейман унинг бошини силаб...

Яна кундаликни ўқишда давом этаман:

**«...Ойижон, биламан, сиз жудаям чиройлисиз. Кўзларингиз катта-катта, доим кулиб турасиз. Сиз қайси рангни яхши кўрасиз? Пушти, ҳаворанг кўйлак кийсангиз керак. Чунки бу ранглар менга жудаям ёқади. Сочингиз узун, балки калтадир. Лекин мен сизни ҳаммадан чиройли деб биламан».**

**«...Ҳар доим бир хил туш кўраман. Тушимда кичкинагина ҳовли, унда мен, ёнимда мендан кичик укаларим билан тупроқ ўйнаб ўтирамиз. Сал нарироқда онам хамир қораётган, кир юваётган ёки кийимларни дазмол қилаётган бўлади. Шунда дадам кириб келади. Негадир дадамнинг юзи ғира-шира кўринади. Биз чанг уст-бошларимиз билан дадамга осиламиз. Ҳаммамиз етаклашиб ҳовлига кирамиз, кейин ойим бизга пешвоз чиқади, юзи ҳорғин, лекин биласиз, у жудаям чиройли. Мен мана шу тушни доим кўраман. Нега туш ҳаётга айланмайди-я?!.»**

Ёшлигимизда онам бизларни «кўзларингдан айланай болам», деб эркаларди. Айнан ана шу сўзларини эшитиб, эриб кетардик. Онамнинг шундай деб суйишларини ҳамон қўмсайман. Ахир, болаларнинг кўз қарашларидан-да беғубор яна не бор, дунёда? Касбим тақозоси билан қанчадан-қанча Меҳрибонлик уйларида бўлганман. Ана шунда болаларнинг меҳрга ташна кўзлари билан нигоҳларим тўқнашганда... беихтиёр, ҳа, ҳа беихтиёр, «кўзларингдан айланай, болам», деб эркалагим келаверади, суйгим келаверади.

**Барно СУЛТОНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

---

## ОИЛА ДАРСХОНАСИ

## АФЛОТУН МУҲАББАТНИ ҚАНДАЙ ШАРҲЛАЙДИ?

— Муҳаббат буткул гўзалликка интилиш эмас...

— Бўлмаса нима у?

— Туғишга интилиш ва гўзалликда бу дунёга фарзанд ато этишга интилишдир.

— Эҳтимол, шундайдир...

— Шак-шубҳасиз шундай!

— Нима учун айнан туғишга интилиш?

— Шунинг учунки, туғмоқ — бир кун қазо топиб кетадиган маҳлуққа ато қилинган мангулик унсуридир, қазосизлик омилидир. Биз шунга келишдикки, муҳаббат неъматга мангу эгалик қилишга интилмоқдир. Мадомики, шундоқ экан, неъмат билан бирга мангуликни ҳам истамаслик мумкин эмас. Демак, муҳаббат — мангу яшашга интилмоқ ҳамдир.

## АРАСТУ ОИЛА ҲАҚИДА НИМА ДЕЙДИ?

Шоирнинг аёллар ҳақида «Сукут сақлаш аёлларнинг ҳуснидир» деб айтганини, умуман, ҳамма аёлларга нисбатан баб-баравар татбиқ этса бўлади, лекин бу гап эркакка нисбатан тўғри келмайди. Сўнгра боланинг ғўрлигини эътиборга олган ҳолда, унинг мустақил фазилатлари ҳақида гапириб бўлмайди. Аммо боланинг келгусидаги камолотига нисбатангина ва болага раҳнамолик қилаётган одам муносабати билангина бу фазилат тўғрисида гапирса бўлади.

Ҳар қандай оила давлатнинг бир қисмини ташкил қилгани учун, юқорида зикр этилган одамларнинг ҳаммаси оиланинг бир қисми бўлганлари учун, шунингдек, қисмларнинг фазилати яхлит нарсаларнинг фазилатига мос келиши зарур.

**Чингиз ШУКУРОВ**
**тайёрлади**

# УНУТИЛМАС ОЛТМИШ ЕТТИ ЙИЛ

## ёхуд Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғуломнинг умр йўлдоши Манзурахон аянинг эътирофлари



***Эсимда, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом таваллудининг 85 йиллиги муносабати билан «Бедор қалб» номли икки қисмдан иборат видеофильм тайёрлашга киришдик. Ўшанда адиб ва унинг оила аъзолари билан янаям яқинроқ танишишга, диллашишга муяссар бўлганман. Ана шу жараёнлар баҳонасида ёзувчининг умр йўлдоши Манзурахон ая билан ҳам кўп бора мулоқотда бўлдим. У киши жуда дилкаш, меҳридарё аёл экан. Ҳамид Ғуломнинг «Вафонинг узун йўли» номли китоби ҳам Манзурахон аяга бағишланганини алоҳида эътирофга лойиқдир. Энди эса ана шу эъзозли ва муҳтарама Манзура ая билан тайёрланган суҳбатни эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз.***

**— Таникли адиб билан кечган ҳаётингиз ҳақида гапириб берсангиз.**

— Биласизми, Ҳамид ака билан тўйимиз бўлганида мен 18 ёшда, улар 19 ёшда эдилар. Тақдирни қарангки, у кишининг оталари, менинг эса онам бўлмаган. Бу аниқ эсимда: 1938 йилнинг 6 октябри эди. Худога минг қатла шукур, 67 йил бир-биримизга суянч, ҳамнафас бўлиб яшадик. Олти фарзанд кўрдик, икки нафари оламдан ўтган. Икки ўғил, икки қизим, набираю эвараларимиз бор.

Бу инсоннинг ўз оиласига ниҳоятда меҳрибон бўлганлиги, тенгсиз садоқатини, вафосини қадрлайман. Оналари, раҳматли қайнонам жуда меҳрибон аёл эдилар. Менга волидалик қилиб, онасизлигимни билдирмаганлар.

**— Устоз билан қачон, қандай танишгансизлар. Айниқса, у пайтларда қиз билан йигитнинг танишуви ҳам қизиқ бўлгандир...**

— Тўғриси, сиз бу саволингиз билан менинг 15 ёшлик қизалоқлик чоғимни ёдимга солдингиз. Танишишимизнинг ўзи қизиқ бўлган. Менинг Абдуқодир деган дўппидўз амаким бор эди. Унинг Абдулфориҳ исмли ўғли бўлган. У билан Ҳамид ака ўрток экан. Ўша пайтларда у киши Рабфакда ўқир эди. Ҳалиям эсимда, 1935 йилнинг кузи эди. Абдулфориҳ акам Ҳамид акани уйларига олиб келди. Иккаласи гаплашиб ўтиришганда мен тасодифан кириб қолганман. Ўшанда педтехникумга кирмоқчи бўлиб, «ариза ёзиб беринг» деб қоғоз ва қалам билан амакимнинг ўғлини олдига кирган эдим.

Шу пайт амаким Абдулфориҳ акамни чақириб қолдилару, менга ўша аризани Ҳамид ака ёзиб берганлар. Бу бизларнинг илк танишувимиз бўлган ва ўшанда бир-биримизга меҳримиз тушиб қолган, экан-да...

**— Табиийки, ҳар қандай замонда ҳам ижодкорларнинг хонадонидан ёзувчилар, шоирларнинг қадамлари узилмайди.**

— Дарвоқе, бизникига нафақат ўзимизнинг адибларимиз, балки Россия, Украина, Болгария, Ҳиндистондан, эҳ-ҳе, қанчадан-қанча меҳмонлар келишарди. Қизиқарли ижодий суҳбатлар, мушоираю қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб турарди. У кунларни энди ёруғ хотиралар билан эслаймиз.

**— Ўз навбатида сиз ҳам адиб билан сафарларга чиққандирсиз!**

— Албатта, жуда кўп ҳолларда мени ҳам ўзлари билан бирга хорижий юртларга олиб кетардилар. У кишининг шарофати туфайли жуда кўп юртларни кўрдим. Ҳозир эсласам... деярли бутун Европани айланганмиз, десам ёлғон бўлмас. Ўшанда биринчи бўлиб Москва, Одесса, Болгария, ундан кейин Греция, Италия, Франция, Голландияга, сўнг Швецияга борганмиз. Буларнинг бари эсласа арзигулик ширин хотиралардир.

**— Сизларнинг сал кам етмиш йиллик умр йўлларингизни ҳеч муболағасиз кўпларга ибрат намунаси сифатида кўрсатсак арзийди. Бугунги ёшларга тилакларингиз?**

### БУНИ УМР ДЕРЛАР...

— Оллоҳ раҳмат қилсин, Ҳамид ака ҳаёт бўлганларида бу йил, аниқроғи, 25 апрелда 90 ёшга тўлган бўлур эди. Мана, тўрт йилки, у кишининг нурли сиймолари, соҳир овозларини соғинаман. Шукурки, китоблари доимо мен билан бирга. Қолаверса, ўғилларим Алишер, Шерзод, қизларим Дилшода, Гулшода, келинларим Дилсўз ва Раънохон, тўққиз набира, ўн уч эварамнинг ҳар бирида Ҳамид Ғулом тимсолини кўрамаn. Зурриёдлари томирида унинг қони оқиб турибди. Демак, у барҳаёт. Ҳар доим шукрона айтаман, умрларининг охиригача халқимизга, адабиётимизга, қолаверса, ўз қадрдонларига, оиласига ҳалол хизмат қилди. Бизнинг ота-боболаримиз бир умр орзу қилган ёруғ кунларни кўрди, истиқлол замонида яшаш бахти насиб этди. Энг улуғ бахт шу-да.

Ёшларга, фарзандларимга тилагим: юртимиз тинч, фаровон, дастурхонимиз тўкин бўлсин. Фарзандларимиз бахтига менга ўхшаган нуроний, дуогўй кексаларимиз, бизнинг бахтимизга эса эртамиз эгалари, нуридийдаларимиз — ёшларимиз омон бўлсинлар!

**Ҳафиза ҲАЙИТМЕТОВА**
**суҳбатлашди.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:** ***яқинда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт — матбаа ижодий уйи томонидан адибнинг «Ассалом, ўзбегим» сайланма китоби чоп этилди. Ундан ёзувчининг энг сара асарлари ўрин олган.***




*«МАҚОМ» — «истиқомат ўрни», «турар жой» маъноларида келади. «Фалончи фалон мақомга етишди» дейилганда, мавқеъ жиҳатдан бирон-бир ўринни эгаллаш англашилади. Исхоқ Ражабовнинг «Мақомлар» китобида ёзилишича, мусиқада куй ва ашулаларни ташкил этадиган товушларнинг жойлашадиган ўрни, пардалари, рамзий маънода ҳар бир товушнинг турар жойи тушунилади.*

*«ШАҲНОЗ» — келинчак маъносини билдиради. «Шаҳноз» куйи бор. Бу куй никоҳ тўйларида ижро этилган куйларнинг келинчаги, гўзали маъносида ишлатилган бўлиши мумкин. (И.Ражабов. «Мақомлар»)*

*Деярли ҳар куни таҳририятимизга мухлислардан мактублар келади. Улар орасида адабиётга, шеъриятга ихлосманд бўлган шундай юртдошларимиз ҳам борки, ўз кўнгил туғёнларини шеърга солиб, тўрт сатр бўлса-да, газетамиз саҳифаларида эълон қилишимизни сўрашади. Албатта, юртимизнинг ҳар бир гўшасида шоиртабиат, назм шайдолари топилади. Тўғри, улар ўз хатларида бу машқлари билан шоирликка даъвогарлик қилмасликларини таъкидлаб, қалбларида шеъриятга ҳавaслари баланд эканлигига ҳам алоҳида урғу беришган. Биз бугун ана шундай муаллифларнинг дил изҳорларини эътиборингизга ҳавола этмоқни лозим топдик.*

* * *

*Умр узун — қисқа йўл,*
*Кимга керак зорларим.*
*Аҳволимдан сўзлайди,*
*Сочимдаги қорларим.*

*Хаёл отлиғ шаҳарнинг,*
*Кўчасида адашдим.*
*Суянчга зор юракни,*
*Битта шеърга алмашдим.*

*Билмам недан, гулни деб,*
*Тиконини сўрадим.*
*Ўзгага бахт, ўзимга,*
*Оппоқ қорни тиладим.*

*Нетай, бу дил ўжар-да,*
*Сирдош билди хилватни.*
*Сал одамга ўхшадим,*
*Ўқиб битта ҳикматни:*

*Ҳар инсонга насиби —*
*Бир сўлар, бир тўларкан.*
*Бандасимас, худонинг*
*Айтганлари бўларкан.*

* * *

*Тун қоронғи, тун сокин,*
*Бедор кезар ўйлари.*
*Юрагимдан жой сўраб,*
*Тентир етим куйларим.*

*Кетаётган турналар,*
*Олиб кетди зоримни.*
*Чертмай қўйди туйғулар,*
*Кўнгил деган торимни.*

*Кўзларини қачонлар.*
*Соғинчларга сотганман.*
*Юлдузларнинг бағрига,*
*Умидимни отганман.*

*Ютиб кетган дарёлар,*
*Қайсар дилим на қилсин?*
*Бу дунёда дард нима,*
*Дилсизлар қайдан билсин?*

*Нолимасдан ҳуснимни,*
*Гулзорларга бахш этдим.*
*Эл бўлмаган орзуни,*
*Бағримда сақлаб нетдим?!*

**Гулжаҳон МАРДОН қизи,**
**Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани**
**халқ таълими бўлими услубчиси.**

### КЎНГИЛ ГУЛЗОРИДА

**БАҲОРИМ**

*Қирларга гул сочиб келсанг, баҳорим,*
*Сен ила бу олам нурга бурканар.*
*Боғу роғ, чаманлар гулга бурканар,*
*Оламга юз очиб келсанг, баҳорим.*

*Чеҳралар кунлардай ёришиб кетар,*
*Юрак табиатга қоришиб кетар.*
*Тоғлар ҳовучларда кумуш сув тутар,*
*Қирларга гул сочиб келсанг, баҳорим.*

*Майсалар тупроқдан мўралаб чиқар,*
*Ғунчалар куртакдан бўралаб чиқар,*
*Қуёш ҳам нурларин саралаб чиқар,*
*Қирларга гул сочиб келсанг, баҳорим.*

**Нозимжон НОСИРОВ,**
**Бекобод шаҳри.**

* * *

*Ёмғирдан сўнг осмонга ёйилди кенг камалак,*
*Мажнунтолнинг баргидан қизлар тақди жамалак.*
*Наврўз айём тонгида тайёр бўлди сумалак,*
*Камалак ранг жамалакли қизлар сузди сумалак.*

*Наврўз келсин ҳар баҳор, дилга берсин тароват,*
*Қутлуғ келсин ҳар баҳор, эллар бўлсин саломат.*

*Экин-тикин, касб-корга Тангри берсин барокат,*
*Фаровонлик, тинчликдан эллар кўрсин фароғат.*
*Куй-қўшиққа уланиб, гулга тўлсин самоват,*
*Истиқлолнинг файзидан диллар кўрсин саодат.*

*Наврўз келсин ҳар баҳор, юртга тўлсин шарофат,*
*Қутлуғ келсин ҳар баҳор, эллар бўлсин саломат.*

**Маматқул СУЛАЙМОНОВ,**
**Боёвут.**

**БОҒИМ**

*Жондай азиз Ватан хаёли,*
*Борлиғим-ла севадирман, рост.*
*Булбул гулга шайдо мисоли,*
*Тупроғига қўйғанман ихлос.*

*Юрагимга яқинсан жуда,*
*Бор-борингча севаман сени.*
*Уринмасин ғаним беҳуда,*
*Ром этолмас бошқа юрт мени.*

*Инсонларинг яшар бахтиёр,*
*Меҳмонларга очиқ дастурхон.*
*Ҳамжиҳатлик, тинчлик барқарор,*
*Она диёр, жон Ўзбекистон!*

*Севгандирман юрагимдан, чин,*
*Тупроғингда ўсиб гуллайман.*
*Фақатгина ёлғиз сен учун,*
*Ҳаётимни бермоққа шайман.*

**Анна ШОМУРОДОВА,**
**Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани.**



# 18 ГА КИРМАГАН КИМ БОР?

## ИҚРОР — ҚАРОР ЭМАС...

«Севги бир-бирига тикилиб ўтириш эмас, балки икковлашиб бир томонга қарашдир», деган эди файласуфлардан бири.

Менинг фикримча, ҳақиқий севги изҳор қилинишга муҳтож эмас. Чунки севги бир бутунликдир. Ўғил бола севги изҳор қилган тақдирда ҳам, қизнинг кўнглидан нима кечаётганини қаердан билади? Балки қизнинг кўнглида умуман, бошқа бир инсон бордир? Қиз болани эса (ҳаёли, иболи қиз бўлса, албатта) севги изҳор қилишга ғурури йўл қўймаслиги аниқ, яна билмадим. Бу кайфиятдан ташқари феъл-атвор, дунёқараш, табиатга ҳам боғлиқ. Агар бугун қиз болага севаман десангиз, эртага яна нимадир дейишингиз, индинига эса бошқа янги гап топиб айтишингиз керак бўлади. Севги изҳор қилиш, бу — капалакнинг қанотини қўл билан ушлаш дегани. «Севаман» деб айтмай ҳам, танлаганингизга майлни билдириш мумкин. Қайсидир жиҳатдан уни ҳимоялаб, ишларига кўмаклашиб, аввало, дўст бўла олсангиз, шунинг ўзи етарли, менимча. Бу туйғуга ҳеч қандай таъма аралашмасагина, у ҳақиқий севги деган номга лойиқ бўла олади!

**Камола АҲМЕДОВА,**
**ЎзМУ талабаси.**

## СЕВСАНГИЗ ... КУТМАНГ

Севишган қалблар «мен сени севаман» деган иқрорни биргина кўзларга қараб уқиб олишлари мумкин. Аммо, бу йўлда биринчи қадамни қўйишга қизлар тугул баъзан йигитлар ҳам журъат этолмайдилар. Изҳори дилга йигит киши бир иложини топар, бироқ қиз боланинг олдида шарқона ибо-ҳаё, қизлик ғурури туради, дардини ичига ютади. У тунларни бедор ўтказишга мажбур этаётган инсондан садо чиқишини умид билан кута бошлайди. Машҳур ёзувчи Адам Жексон «Муҳаббатнинг ўнта сири» китобида: «Агар севсангиз уни ошкор этинг. Қачон менга севги изҳор қилишаркин, деб кутманг. Бахтли бўлиш учун курашинг», — деб ёзади.

Мен азиз қизларга, тенгдошларимга шуни айтардимки, агар кимнидир чин юракдан севсангиз, дилингизни ёришга имкон топинг. Башарти, иккинчи томон рад жавобини берганда ҳам сиз ютасиз. Чунки энди хаёлингизни банд этган инсон сизга бефарқлигини билганингиздан кейин уни унутишга ҳаракат қиласиз. Тақдирга тан берасиз. Бу ширин ёлғонга, ушалмас орзуларга берилиб яшагандан кўра афзалроқдир.

**Шоҳсанам НИЁЗОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**

***Муҳаббат — лазиз туйғу. У қалбларни забт этганда дунё янада гўзаллашади, шаффофлашади, оламнинг ажиб синоатлари янада нафислашади. Бу туйғуни ҳис этган юрак уни ҳар қандай озорлардан авайлайди, ўзидан-да сир тутади. Уни ошкор этишдан қизғонади. Муҳаббат пайдо бўлибдики, у кимгадир қаратилади. Дилда кечаётган туйғулар гоҳида ошкор, гоҳида пинҳона севилганга етиб боради. Бироқ, бу туйғу ҳақида сўз очилса, қалб иқрорини ким биринчи бўлиб тан олиши ёки изҳор қилиши кераклиги турли баҳс-мунозараларни уйғотади. Сир эмас, аксарият ҳолларда севги илк бора йигит томонидан изҳор қилинади. Нега шундай? Бу балки таомилга айлангани учундир? Хўш, мабодо қиз севги изҳор қилса, нима бўлади? Бу одобсизликми ёки жасоратми? Бу ҳақдаги фикрларни қуйида ёшларимизнинг ўзларидан билиб оламиз.***

## МУҲАББАТНИ КИМ ИЗҲОР ҚИЛИШИ КЕРАК?



## ТИЛДА ЭМАС, ДИЛДА БЎЛСИН

Нега инсон севиб қолишдан, муҳаббат изҳор қилишдан қўрқади? Менимча, бунинг асосий сабаби кўпчилик ўткинчи туйғу, ҳавас билан чин севгининг фарқини англаб етмайди. Инсонни гўзаллиги, кучлилиги, ақллилиги, бойлиги учун ёқтириб қолиш мумкин. Баъзан, биз кўнглимизга мос келадиган кўринишга, характерга эга одамни ёқтиришни севги деб ўйлаймиз. Муҳаббати чин эканлигини англамаган инсонга севгисини изҳор қилишни тавсия қилмасдим. Муҳаббат аввало, тилда эмас, дилда бўлиши керак. Кўп инсонлар жавобсиз муҳаббатдан, хиёнатдан, айриликдан қўрқиб, умуман севмасликни танлайдилар. Муносабатларини ҳурматга қурадилар. Лекин, Сомерсет Моем айтганидек, инсонларнинг энг катта фожеаси бир-бирларини севмай қўйганликларидир.

**Чарос БАҲРИЕВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**

## ҒУРУРНИ ТОПТАМАНГ!

Севгини айримлар илоҳий туйғу дейди. Мен эса унинг мавжудлигига шубҳа билан қарайман. Севги, дўстлик менинг назаримда, бир-бирига ўрганиб қолиш демакдир. Очиғи, дугоналаримнинг, ёшларнинг айнан шу мавзуда баҳслашишлари ғашимга тегади. Айниқса, севгини биринчи бўлиб ким изҳор қилиши кераклиги ҳақидаги мунозаранинг охири кўринмайди. Ким нима деса ҳам, менимча, қиз бола ҳеч қачон ўз туйғуларини (агар у ҳақиқатан ҳам севса) ошкор этмаслиги керак. Акс ҳолда у ўз ғурурини топтаб, ўша йигит олдида ҳурматини йўқотади. Бу фикрларим «ишқ ўтида ёнган»лар учун ғалати туюлар. Тўғри, кимдир «ҳа, сен ҳам бошингга тушса биласан», дейиши мумкин. Лекин юракдаги севги фақат ёрга нисбатан бўлмаслиги керак, деб ўйлайман. Шундай экан, қалбдаги бор меҳр-муҳаббатимизни бизга ҳар доим яхшилик соғиниб яшовчи инсонларга ҳам берайлик.

**Дилноза МИРЗАЁҚУБОВА,**
**талаба.**

## ҚИЗЛАРДА ҲАМ ШУНДАЙ ҲУҚУҚ БОР

Агар қиз бола бирор йигитни яхши кўриб қолса, нега унга билдирмаслиги керак? Ахир, уларда ҳам ўз ҳисларини эркин бошқариш ва йўналтириш ҳуқуқи бор-ку! Балки у ёқтирган йигит қиздаги сирли севгини илғамагандир, ёки ўзи бу нозик туйғунинг азобларини бошдан кечирмагандир... Севиш, севилиш фақат кўзга кўринган, чиройли йигит-қизларга тааллуқли эмас.

Мен факультетимизда ўқийдиган бир қизни биламан. У бошқа қизларнинг олдида жуда кўримсиз. Аммо ниҳоятда жасоратли, чунки ўз севгисини биринчи бўлиб изҳор этган. Йигит ҳам келишган, ақлли. У қизнинг соф туйғусини жавобсиз қолдирмади. Тўғриси, уларнинг муносабатларига ҳавасим келади. Дўстона, шу билан бирга самимий ва сирли. Мен ўзим ҳали бу туйғуни бошдан кечирганим йўқ. Мабодо севиб қолсам... айтишга журъат қилолмасам керак. Ким нима деса десин-у, лекин мен севгисини мардона айта оладиган қизларни ҳурмат қиламан. Менимча, қизларнинг севги иқрорларидан бошланган муносабат ва қурилган оила ҳам мустаҳкам бўлади.

**Аброр УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**талаба.**

## ҚЎРҚМАЙ, ҚАЛБНИ ОЧИНГ

Севги изҳори ҳар бир севган қалб учун энг ҳаяжонли дақиқа. Ҳатто, баъзиларнинг наздида бу ҳаёт-мамот масаласи. Аммо ҳамма гап, шу изҳорни айта олишга ўзида журъат топишда. Негадир кўпчилик туйғуларини ошкор этишга қўрқади. «Айтсам, у рад этса-чи? Севгим жавобсиз қолса-чи? Умуман гаплашмай қўйса-чи?» деган хавотирлар кўпчиликни қийнайди. Натижада, бу қўрқув журъатни сўндиради ва дўст бўлиб қолиш маъқул кўринади. Аммо шу тўғримикан? Дўстман деб, ўзини ҳам, уни ҳам алдаб, қийналгандан кўра, қўрқмай қалбини очгани маъқул, назаримда. Ахир севиш гуноҳ ёки уят эмас-ку! Шундай экан, кимнинг биринчи бўлишини аниқлаш қийин. Бир дугонам курсдошимизни севиб қолди ва ундан ҳам худди шундай жавоб кутиб юрди. Туйғуларини ошкор этишдан уялиб, бор дардини қоғозга ёзарди-да, сўнг йиртиб ташларди. Бу ҳолатни ҳеч тушуна олмасдим. Бир куни ўзи: «Биласанми, дардим ичимга сиғмаяпти, ичим ёниб кетаяпти, дардимни қоғозга туширсам, анча таскин топаман. У ҳам мени севадими, йўқми, ҳар дақиқа шуни ўйлаб азобдаман», — деб йиғлаб юборди. Шунда тушундимки, туйғуларни изҳор этишга қўрқмаслик керак экан. Муҳими, у ҳақиқий севги бўлса...

**Умида РАҲМОНОВА,**
**талаба**

Саҳифани Н. ТОШПЎЛАТОВА тайёрлади.

МУНОЗАРА УЧУН МАВЗУ

***Бу икки тушунча таълим ва тарбияда кенг қўлланиладиган усуллар сифатида эътироф этилади. Улар орқали муайян жамоа, гуруҳ, жамиятдаги инсонда миллий ва умуминсоний қадриятлар, анъаналар асосида ижобий кўникма ва тушунчаларини ривожлантиришга қаратилар экан, бунга эришиш учун ундаги нуқсон ва камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсад қилинади. Табиийки, ҳар бир инсоннинг ақлий салоҳияти, руҳияти, феъл-атвори, кўникмалари ўзига хос. Шу боис унга нисбатан қўлланадиган тарбия усуллари ҳам турлича таъсир кўрсатади. Бу хусусида гапиришдан олдин ҳар икки сўзнинг луғавий маъносига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.***

# ТАНҚИДМИ ЁКИ ТАНБЕҲ

## тарбияда қай бири устун?



«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «танқид» — арабча сўздан олинган бўлиб, баҳо бериш мақсадида ўрганиш, таҳлил қилиш ва шу асосда хулоса чиқариш деган маънони англатиб, иш-ҳаракат, фаолият, асар, таълимот ва шу кабиларнинг ютуқларини қайд этиш, камчилик ва нуқсонларни белгилаш ва бартараф этиш мақсадидаги муҳокама, таҳлил қилишдир. «Танбеҳ» ҳам арабча сўздан олинган бўлиб, уйғониш, жонланиш, огоҳлантириш ёки эслатма, изоҳ деган маъноларни билдиради. У ножўя хатти-ҳаракат учун берилган таъзир, койиш, огоҳлантириш ёки жазо тарзида ҳам қўлланилади.

Таърифлардан кўриниб турибдики, бу икки тушунчанинг маънолари бир-биридан фарқ қилади. Шунга қарамай танқид ҳам, танбеҳ ҳам кундалик ҳаётда бир мақсадда қўлланилади. Яъни шахснинг камчилик, нуқсонларини аниқлаш ва уларни ошкор этиш орқали тарбиялашга эътибор қаратилади. Аммо кўп ҳолларда битта мақсадда қўлланилиши кутилган самарани бермаслиги, баъзан акс таъсир кўрсатиши ҳам мумкинлигига гувоҳ бўламиз. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Аввало, бу икки тушунчанинг чалкашлиги яъни турли маънони англатадиган сўзларнинг моҳияти ва фарқини тўғри ажрата билмасликда. Шу ўринда **таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди Омонулла МАДАЕВнинг** бу ҳақдаги фикрларига эътибор қаратайлик.

**— Гарчанд танқид ва танбеҳ сўз сифатида ўзаро ўзакдош (та-та, и-и) бўлса-да, бошқа-бошқа тушунчалардир. Яъни, танқид расмий бўлиб, бир шахснинг иккинчи шахс томонидан ножўя хатти-ҳаракатини баҳолашга нисбатан қўлланилади. Баҳолаш шунчаки эмас, балки таҳлилга асосланади ва гувоҳлар иштирокида бўлади. Танбеҳ эса, бир шахснинг иккинчи шахс томонидан тартибга чақириш усулидир. У панд-насиҳат, маслаҳат орқали амалга оширилади. Танқидда расмиятчилик устивор экан, уни тарбияда қўллаш кутилган самарани бермайди. Танбеҳ эса маиший муомала белгиси бўлиб, унда психологик таъсир кучли бўлади.**

Афсуски, тарбия билан шуғулланувчи мутахассислар, ота-оналар, устозлар, раҳбарлар муҳтарам олимимиз таъкидлаган ана шу фарққа унчалик аҳамият бермайдилар. Аксарият ҳолларда ТАНБЕҲ ўрнига ТАНҚИДдан фойдаланадилар. Фарзандининг, ўқувчисининг, ходимининг хатти-ҳаракатини кўпчиликнинг ичида юзига айтишни, қилган хатоси ва камчилигини бошқалар олдида ошкор қилишни табиий тарбия усули сифатида қўллайдилар. Аммо ҳар бир шахсда ўзлик ва «мен» тушунчаси мавжуд экан, ўзига нисбатан билдирилган танқидий фикр, айниқса, у таҳлилга асосланмаса, далилга эга бўлмаса, унинг ички туйғуларига, ғурурига, шаънига таъсир этади ва ўзини ҳақоратлангандек сезади. Шу боис, кўпинча танқидга учраган шахсда тўғри хулоса чиқаришдан кўра, қасдма қасдига иш тутиш, ўч олиш кайфияти устиворлик қилади. Тарбияда қўлланган усул муҳим, унинг натижасига иккинчи даражали омил сифатида қараш бизда шаклланиб бўлган. Аммо у қачон кўникмага айланиб улгурди? Умуман, танқид усул сифатида миллий тарбиямизда қанчалик ўрнини топа олди?

Асрлар давомида шаклланган ва кўп жиҳатдан бошқа халқларга ўрнак бўла оладиган миллий тарбиямизга назар ташлайдиган бўлсак, шахсни тўғри йўлга бошлашда, камчилик ва хатоларини кўрсатишда танбеҳ устунлик қилганлигига гувоҳ бўламиз. Танқид ҳам йўқ эмас, аммо у кўпроқ илмга нисбатан қўлланилган. Шарқ илмида, хусусан адабиётида танқидни учратиш мумкин. Улар кўпроқ адабий танқидлар бўлиб, муайян илмий таҳлилларга асосланади. Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, илмга нисбатан бевосита, тарбияга эса билвосита ёндашув етакчилик қилган. Камчилик ёки хатога йўл қўйган киши дидактик усул билан, яъни панд-насиҳат, маслаҳат орқали тарбияланган. Бироқ, собиқ шўролар тузумининг таъсири туфайли, жамиятда, кишилар ҳаётида учрайдиган хато ва камчиликларни юзига айтиш, кўпчиликнинг ичида ошкор қилиш, уларга нисбатан кескин чоралар кўриш қатъий ҳукмга айланди. Афсуски, бу кўникма миллий тарбиямизни ҳам четлаб ўтмади. Натижада, шахс табиатида шартакилик, бетгачопарлик, андишасизлик каби салбий иллатлар кучайди. Айниқса, ўринсиз ва асосланмаган танқидлар туфайли кишиларда бир-бирига нисбатан хусуматни, гина-кудуратни пайдо қилди.

Халқимизда, «Бетга айтганнинг заҳри йўқ» деган мақол бор. Аммо бунда кўпчиликнинг иштироки назарда тутилмайди. Қолаверса, танқиддан тўғри хулоса чиқариш учун у холис бўлиши ва шахснинг ҳамиятига, нафсониятига тегмаслиги керак. Бу эса бирмунча амримаҳолдир. Ҳатто аниқ факт ва далиллар, илмий таҳлилга асосланган танқид ҳам кўп ҳолларда тўғри тушунилмай, қабул қилинмай гоҳида ҳамкасблар, олимлар ўртасида зиддият, ҳатто адоватни юзага келтиради. Буның ўзи алоҳида мавзу.

Гап танқиднинг тарбияга таъсири ҳақида экан, айрим қиёсий мушоҳадаларни билдириш мақсадга мувофиқдир. Шарқликларга қизиққон, ғарбликларга нисбатан совуққон деган сифат қўшиб айтилади. Бундай хулоса ҳам муайян асосга эга, албатта. Қолаверса, буни турли ҳолатларда ўзингиз ҳам кузатган бўлишингиз мумкин. Тарбияда ҳам ана шу сифатларнинг эътиборга олиниши бежиз эмас. Шу нуқтаи назардан танқидий ахборотни ғарбликлар фақат ақли орқали қабул қилишса, шарқликлар ақли ва кўнгли, яъни ички туйғулари билан идрок этишади. Бу масаланинг биринчи томони. Иккинчидан, Ғарб тарбияси индивидуалликка асосланса, шарқона тарбия умумжамоага тааллуқли масала. Унда ҳамма иштирок этади. Шу нуқтаи назардан «Бир болага етти қўшни ота-она» деган мақол бежиз айтилмаган. Учинчидан, Ғарбда жамиятдаги қонунларга амал қилинса, Шарқда қонунлардан ҳам кўра, қадриятлар устиворлик қилади. Тўртинчидан, ғарбликлар шахснинг хатти-ҳаракатлари реал таҳлил қилинса, шарқона тарбияда вазият кўп ҳолларда танқидгача етиб бормайди. Камчиликлар танбеҳ орқали шахс камолоти жараёнида бартараф этиб борилади. Шунга қарамай ана шу танбеҳлар кутилган натижани бермаса-чи? Бу ҳақда **Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, филология фанлари номзоди Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ** шундай дейди:

**— Танбеҳ — танқиднинг енгил шакли бўлиб, биринчи босқичда яхши. Яъни, бир-икки танбеҳдан ўзига тўғри хулоса чиқарадиганлар бор. Уларга айнан бир масалада қайта-қайта танбеҳ бериш шарт эмас. Аммо баъзан бу кор қилмаган пайтларда танқиддан ҳам фойдаланиш керак. Фақат у кўпчиликнинг иштирокида эмас, балки тор доирада бўлгани маъқул. Айтайлик, дарсга яхши тайёрланиб келмаган талабани тенгдошлари олдида танқид қилиб, обрўйини туширгандан кўра, дарсдан кейин уни олиб қолиб, хато ва камчиликларини асосли тушунтириш унинг фаолиятини ижобий томонга ўзгартиради. Талаба устозининг танқидидан тўғри хулоса чиқариб, ўз устида жиддийроқ ишлайди. Шунингдек, танқидни чуқурлаштириш шарт эмас, йўқса у хусуматга айланади.**

Демак, танқид ҳам керак, лекин уни қандай тарзда қўллаш зарур? Бу саволга ҳиндларнинг буюк давлат арбоби Маҳатма Гандининг қуйидаги эътирофи жавоб бўлади, деб ўйлаймиз: **«Мен умрим давомида ихлосмандларимга қараганда танқидчи дўстларимдан, айниқса, уларнинг танқиди мулойим ва дўстона руҳда изҳор этилганда, кўпроқ фойда олганман».**

Дўстона ва мулойим танқид эса инсоннинг шахсиятига дахл қилмай, фақат фаолияти, хатти-ҳаракатига нисбатан қўллангандагина самарали бўлади. Миллий тарбиямизда қўлланадиган ҳар қандай усул муайян ҳаётий тажрибалардан келиб чиққан хулосаларга асосланиши билан қадрият даражасига кўтарилган. Табиийки, биз кўтарган масала ҳам бундан мустасно эмас. Шу боис шахс тарбиясида миллий қадриятларга кўпроқ мурожаат этиш ҳаммамиз учун фойдалидир.

Миллий тарбияда танқид ва танбеҳ тушунчаларининг ўрни ва аҳамияти хусусида эътиборингизга ҳавола этилган ушбу мулоҳазаларимизни хулоса ўрнида қабул қилмаслигингизга ишонамиз, азиз газетхон. Шу билан бирга мазкур масалага сизда ижобий ёки салбий фикр уйғонган бўлса, муносабатингизни кутиб қоламиз.

**Назира ҚУРБОН**

БЕЛИДА БЕЛБОҒИ БОРЛАР

# ПОЛВОННИНГ ОРИ

## пул ё соврин билан ўлчанмайди

Воҳа тарафларда кураш тушиб, йиқитиб, йиқилмаганни йигитлар ўз сафларига қўшмаслиги ёки кўпкарида улоқ чопаётган учқур от устидаги чавандозни кимлигидан қатъи назар, қўллаб-қувватламаган мухлисни даврадан чиқариб юбориши сабабларини биласизми? Бу ҳам бежизга эмас. Азал-азалдан ота-боболари курашиб, от чоптириб келган косонликлар Қаҳрамон полвонни ҳали ҳам давралар тўрига чорлашида ҳикмат бор.

— Бугунгидек эсимда, биринчи ёки иккинчи синфда ўқирдим, мени эгарга ўтқазиб, от юганини қўлимга ушлатиб, синаб кўришган, — дея ҳикоя қилади полвон олис хотираларини эслаб. — Қўрқмай, маҳкам тутганман шекилли-да, кўп ўтмасидан отам Арабхона қишлоғига бориб, менга атаб той олиб келган. Асли отамнинг ўзиям катта чавандоз бўлган. Айтишларича, боболарим ҳам от суриб ўтишган экан. От миниш, улоқ чопиш — бизнинг оилага бобо мерос.



Полвоннинг феъли ҳам ажойиб экан. Ким билади, аввалари бундай қизиққон одамлар билан камроқ учрашганимиз учун шундай туюлдими, хуллас, у киши билан керак бўлса, эрталабгача гаплашсангиз ҳам от ва кўпкари ҳақидаги ҳикоялари тугамас экан.

Унинг айтишича, бугунги кунда Қашқадарёда манаман деган машҳур чавандозлар кўп экан. Нортожи, Жамолхон, Файзулла, Нормўмин, Яҳё ва бошқа яна ўнлаб номдор полвонларни санаркан, уларнинг ҳар бирига алоҳида урғу бериб чиқди. Гап орасида Косонда фермер хўжалиги тузиб, қорабайир отларини кўпайтираётган акаси — Ўзбекистон чемпиони Неъматилло аканинг хайрли ишларини ҳам мақтаб қўйди. Қолаверса, фарзандлари Бахтиёр ва Раҳматиллалар ҳам боболари изидан бораётганидан фахрланди.

Отга меҳр қўйган одамдан ёмонлик чиқмайди. Тўғри, полвоннинг ори, ғурури соврин ва мукофот билан ўлчанмайди. Унинг учун, энг асосий соврин — туғилиб ўсган гўшанинг обрўсини эл-юртга ёйиш. Шунинг ўзи ҳар қандай полвон учун менинг назаримда энг улуғ обрўдир, дея ўзининг қадрдон отига миниб, ҳамқишлоқлари ҳузурига шошилади Қаҳрамон Бомлаев.

**Ўктам АБДУЛЛАЕВ,**
**“Оила ва жамият” мухбири.**

*Кўнгил дафтаридаги битиклар*

# СИЗ СУЙГАН, СУЯНГАН ЭРКАК
## дардингизга шерикми?

Азизим! Нечун кўзларингда ёш, юрагингда оғир тош?! Ҳол сўрсам, шунчаки мазам йўқ эди, дейсану, лекин кўзларинг оғир бир дардни англатиб турибди. Кўзлар алдамайди, аҳир. Тўлиб-тўлиб, тилсиз гапириб турибди, жуфт бўлиб. Фақат сенгина тилга кирмаяпсан, эй сабрли аёл! «Энг яқиним, суянчиғим», — деб ёнгинасида туриб, эрига суянолмаганидан, дардини ичига ютиб-ютиб йиғлайди аёл.

Агар сени куйдирган — қўшнинг, дўстинг ёки ҳамкасбинг бўлганида ҳам ёрилган бўлардинг, азизим. Ёрилмаётганинг — эртангни, болаларингни, ўзингни, келажагингни ўйлаётганингдир. Сен шунинг учун ҳам таҳсинга лойиқсан.

* * *

Мана бугун эринг бир даста гул кўтариб келганди — барчаси унутилди. Шу ондаёқ эринг ҳам, сен ҳам бошқа-бошқага айланиб қолдинг, гўё. Ичингда ўтган сабрсизликларинг учун ўзингни айблаб бошладинг. Ўзингни дунёнинг энг бахтли аёли деб билдинг.

* * *

Сен аёл бўлиб эрингга бошқа аёлларга ўхшаб ҳали уни олиб бер, ҳали буни олиб бер демадинг, лекин ичингда кутдинг! Ўзгаларнинг эгнига ҳам, эрига ҳам (аёлига эътиборига холос) ичингда ҳавас қилдинг. Ҳатто, тарбиясизлик саналади, деб маоши қанчалигини сўрамадинг. У ҳам топганини қўлингга тутқазадиганлардан бўлмади. Эркакнинг чўнтагини ковлашнику хаёлингга ҳам келтирмадинг. Ҳатто, кир ювмоқчи бўлганингда, хўжайинингга тутдинг: «Дадаси, қараб беринг, мен қўл тиқсам, баракаси кетади».



Лекин, лекин... турмуш ўртоғинг, бир уйда яшайдиган жуфти ҳалолинг усталик билан пулларини сендан беркитиб қўйиб, беркитиб олди. Бир уйда!.. Бу — сенга ишонмайман, деб юзингга бир тарсаки туширишдан-да оғир ботди, зил-зил ботди. Юрагинг музлади, қалбинг совиди, дилинг чўкди. Ўзингни хотин эмас, чўридай, аёл эмас, кераксиз матоҳдай ҳис қилдинг. Қалбингда унга нисбатан милтиллаб турган сўнгги умид учқунлари ҳам ўчдиқолди. Орият, инсон қадри икки дунё давлатидан устун туришини шу вақтгача сезмаган ношуд эринг ёнгинасидаги қимматбаҳо гавҳарини қоғоз пулга алмашди-қўйди.

* * *

Ўз оғзи билан онаси деб, тағин сал нарсага қўл кўтариб «онангни» дея сўкиб, ҳақоратлайдиган эркак, оналарнинг қадрига, она сўзининг мазмунига, моҳиятига етмайдиганлар тоифасидан. Улар яхши ўғил ҳам, яхши турмуш ўртоқ ҳам, яхши ота ҳам бўлолмайдилар.

* * *

— Мен ўзимдан ҳам кўра ўғилларимнинг келажагидан қўрқаман, — дейди эри калтаклайдиган бир аёл. — Бугун мен аёл бўлиб қадрланмаганим етмаганидек, отасидан хотинни уриш мумкин, деган тарбияни олаётган уч ўғлимнинг бўлғуси хотинлари ҳам эртага мендек қадр топишмайди. Бир эркакнинг ёмон феъли бир эмас, тўрт аёлни жаннат оёғи остида бўлган тўрт онани бахтсиз қилади...

* * *

Эркак устун, эркак тиргак. Аёл зоти борки, ўз ота-онасигаям эрига суянганчалик суянолмайди. Уйнинг устуни бўш, тиргаги ярамас бўлса, барча юк аёлнинг елкасига тушади. Ана шунда у ўз аёллигини унутиб, ўз ожизалигини бир четга суриб, фарзандлари учун ҳам эркакка айланади. Бўғзида зил-замбил қоп, оҳи бор эркакка.

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,**
**журналист.**

*Суд ҳукмидан сўнг*

# ЧИМИЛДИҚ ЎРНИГА... ҚАМОҚХОНАГА КИРИШДИ

Ҳамдамбек ўйлай-ўйлай охири бир қарорга келди: «Ҳозир кимга қараманг, қўлида сотка! Ҳатто, болаларнинг ҳам! Лекин... сал қимматроқ-да! Нима қилиш керак? Телефон сотиладиган дўконни тунаш...»

Ҳамтовоғи билан «сотка» операциясини қандай амалга оширишни режалаштириб олдилар. Ўғрилар деярли ҳар доим кечқурунлари ўзларининг малъун мақсадларини амалга оширишади. Икки норғул йигит Хива шаҳрида жойлашган Карвонсарой ёнидаги дўкон қулфини бузиб, ичкарига киришганида ярим тун эди. «Nokia», «Motorolla» «Samsung» ва бошқа турли русумлардаги қўл телефонлари, батареялар, флеш карталар, электр қувват берувчи мосламалар, «Билайн», «МТС», «УзНЕТ» карточкаларини бир зумда ўмаришиб, яна қоронғулик қаърига сингиб кетишди...

Бироқ, «сотка» операциясини ички ишлар бўлимининг ҳушёр ходимлари ниҳоясига етказишди. Бели оғримай пул топишга уринган ҳамтовоқлар қўлга олинди. Янгиободлик Ҳамдамбек Матёқубов, шериги Бахтиёр Шарипов (исм-шарифлари ўзгартирилган) суд ҳукми билан тегишли жазога тортилди.

Афсус, минг афсус, ота-оналари уларни яқиндагина уйлантиришмоқчи эди-я!..

**Раъно КАМОЛОВА,**
**жиноят ишлари бўйича**
**Хива туман суди раиси.**

*НИМА ДЕЙСИЗ?*

# ПУЛ АЁЛДА ТУРСА ЁМОНМИ?

Оилада эру хотин баравар ишлаб пул топишса-да, кўпинча эркакнинг пули баракали бўлади, дейишади. Аслида, унга барака киритишда тежамкор аёлнинг роли катта эмасми?

Бир пайтлар оилавий ётоқхонада яшардим. Икки қўшним бўларди. Ўнг томондаги Маҳфуза ҳамма нарсани тадбиркорлик билан тежаб-тергаб ишлатарди. Ҳатто, уникига меҳмон келиб қолса, йўқни йўндириб бўлса-да, уларни кўнгилдагидай кутиб оларди. Чап томондаги Салтанат қўшним эса эру хотин баббаравар пул топишса-да, уйида барака йўқ эди. Савдогарлар ётоқхонамизга сотишга нарса олиб келишса, қиммат-арзонлигига қарамасдан сотиб олаверарди. Оқибатда, ойнинг охирида қийналиб қолганидан қўни-қўшнилардан қарз сўраб юрарди.



Аслида пулни тежаб-тергаб ишлатиш асосан биз аёлларнинг қўлимизда. Лекин баъзида кўпчиликни оилада пул кимнинг қўлида тургани маъқул, деган савол қизиқтиради. Мен эса пул аёлнинг қўлида тургани маъқулроқмикан, деб ўйлайман. Чунки аёл киши доим оиласининг кам-кўстини билади. Рўзғорда нима бору, нима йўқлигини ҳам аёл киши билади. Ортиқча сарф-харажат бўлмаслиги учун ишхонасига тушлик овқатини кўтариб бориб, пулини «эконом» қилади. Эркаклар-чи? Айримлари маош олган куни байрам қилишни, улфатлар билан бирор чойхонами ёки кафедами, тез-тез ўтириш уюштиришади. Шундан сўнг маошининг чўғи ҳам камаяди-да. Бу борада эса аёллар эркакларга нисбатан анча тадбиркор. Улар дугоналари билан дийдорлашгиси келса, эринмасдан бозор-ўчар қилади. Ҳамма нарсани уйда тайёрлайди. Аксарият, хотинларнинг жанжали нимадан бошланади? Кўпинча, келишмовчилик рўзғордаги етишмовчиликлардан келиб чиқади. Айниқса, ишламай уйда ўтириб қолган аёллар пулни тежамасдан ишлатиши оқибатида эридан дакки-дашном эшитади. «Бели оғримаганнинг ёнбошлаб нон ейишини кўр», деган мақол ҳам ана шундайларга тегишли. Баъзида пул тежаганларни хасисга чиқаришади. Бу эса нотўғри. Аслида ундай одамлар пулнинг қадрига етганлари учун ҳам бировга муҳтож бўлмайдилар. Шундай эмасми?

**Хонбиби ҲИММАТ қизи**

*ЮРАК ТОМЧИЛАРИ*

## БЕСАБР

Энди подъезд йўлагидан ҳеч ким дўққиллаб тушмайди.

Энди тепасида ҳам ҳеч ким дўқилламайди. Лекин кўпам ўтмайди. Энди ана шу жимжитлик уни еб юборай, дейди. Қаранг-а, Хонима бор аламини ўша «нотинчлик»дан олиб тураркан. Буни ўзи ҳам билмас экан...

Кўпинча у ёки буни жонга «тегди деймиз», ўйламай нетмай.

Қўшнининг дук-дуки жонга тегади.

Боланинг ғинғиллаши жонга тегади.

Иш жонга тегади.

Борди-келди жонга тегади.

Ҳаёт жонга тегади...

Ҳой бесабр инсон, сенинг ўзинг ҳеч кимнинг жонига тегмаганмикансан-а?!

## ЧЕГАРАСИ БОР ХОНА

Чол кампиридан ажралганига анча бўлди. Аллоҳ раҳмат қилсин, хўп ажойиб эди-да, ширин сўз, кўнгли кенг, барчага баравар. Чолини қўйгани жой тополмасди. Ота уни қўмсайди, дилида армон, кўзида ёш билан қўмсайди. Аввало, бутун бошли ҳовли чамандек очилган гулзорлари-ю, жилдираб оқиб турган ариқчага, шовил қилувчи олма—ўриги-ю, лойдан қурилган мустаҳкам супасигача Фармонбиби айтмиш, унинг «мамлакати» эди. Кампирдан сўнг бу чегара аста-секин торая бошлади. Чегара ўша файзли ҳовлининг кичик бир хонасига бориб тақалди — қолди. Шу ерда ота ором олади. Бир коса овқатини беминнат ейди. Уни йўқлаб келганлар билан бемалол гаплаша олади. Юрагида пайдо бўладиган дард тўлқинларини шу ерда енга олади. Чидолмай кетганда акс-садо бермиш кўз ёшларини ўзидан бошқа ҳеч ким кўрмайди, на ўғил-қизлари ва на набиралари.

Сизга айтмиш, бу «мамлакат»нинг ҳам ўз қоидаси, ўз шартлари бор. Бу жойга бақириб-чақириб кириш мумкин эмас. Эшик-чегара. Чегаранинг қўриқчиси тинчлик, осойишталик. Чол шундан мамнун тин олади. Кампири шаънига тиловат қилади.

**Яйра САЪДУЛЛАЕВА**

✓ САЛОМАТЛИК СИРЛАРИ

# БЕМОР ҚАЙТИБ КЕЛМАСА... ЮЗИМИЗ ЁРУҒ БЎЛАДИ

**— дейди тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали шифокор Қаршибой ХУШАТОВ**



**— Қаршибой ака, мана, баҳорнинг ҳам иккинчи ойи охирлаб қолди. Халқ орасида "илик узилди" деб аталадиган маҳал ўтиб бўлдими ёки ҳалиям давом этаяптими?**

— Бу ҳам аслида ўзига хос бир синов. Яъни инсон организмида фасллар алмашинаётганида ўзгаришлар содир бўлади. Бу табиий жараён. Қишдан чиқаётганда витамин танқислиги бошланади, яъни қувватсизлик пайдо бўлади. Бунинг оқибатида одамда турли касалликларга қарши курашиш фаолияти сусаяди. Шунинг учун ҳам қадимда ота-боболаримиз қиш чиқиши билан сумалак, ҳалим тайёрлашган, турли хил витамин ва поливитаминларга бой кўкатлардан таомлар истеъмол қилишган. Ва шу орқали танадаги ҳолсизлик, дармонсизлик ва мавсумий хасталикларга мойилликнинг олдини олишган. Ҳали "илик узилди" маҳалига бироз бор. Имкони борича, витаминга бой табиий кўкатларни кўпроқ ейиш керак.

**— Энди бевосита сизнинг соҳангиз билан боғлиқ — ошқозон-ичак касалликлари хусусида суҳбатлашсак. Уларни келтириб чиқарадиган сабабларни айтсангиз.**

— Сурункали гастрит, меъда, ўн икки бармоқли ичак яраси хасталиклари ана шу, сиз айтаётган туркумга киради. Масалан, сурункали гастритларни келтириб чиқарадиган сабаблар тиббиётда икки хил бўлади: Биринчиси экзоген, иккинчиси эса эндоген факторлардир. Биринчи факторда ташқи ножўя таъсирлар — овқатланиш тартибининг бузилиши, оч қоринга тўйиб овқатланиш, овқат ҳазм бўлмасдан ухлаш, зарарли одатлар — ичиш, чекиш, ҳар хил дориларни ўзбошимчалик билан қабул қилиш. Иккинчи факторда эса тишларнинг соғлом бўлмаслиги, овқатни чайнамасдан ейиш оқибатида гастрит, нафас йўлларининг шамоллаши, томоқ йўлларига йирингли инфекциялар тушиши, сурункали ичак, жигар, буйрак, гепатит каби турли касалликлар келиб чиқади.

Шунингдек, гастритнинг ўзи уч турга бўлинади. Биринчиси — гипероцид яъни жиғилдон қайнаши, ошқозон шираси баландлиги билан боғлиқ, бунда овқат тез ҳазм бўлади, тез очқайди, кўнгил айнийди. Ўз вақтида чора кўрилмаса, ошқозон эрозияси, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллигини келтириб чиқаради. Меъда ва ўн икки бармоқли ичак касаллиги зудлик билан чора кўрилмаса, бошқа органларга ўтиш хавфи туғилади. Яра ёрилиши, қон кетиши, ўн икки бармоқли ичак тешигининг кичрайиши, онкологик хавфли ўсмалар пайдо бўлиши мумкин. Иккинчиси — гипоцид ва аноцид — ошқозон шираси пастлиги билан боғлиқ бўлиб, бунда овқат кўп туриб қолади, ҳазм бўлиш жараёни қийинлашади ва жиғилдон қайнайди. Ниҳоят, учинчиси нормацид деб аталади. Бунда секреция безлари нормада бўлади, лекин меъдада сурункали яллиғланиш кузатилади. Бундай ҳолатда ҳам ўз вақтида даволанмаслик оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

**— Халқимизда "бошидан ўтган табиб", деган гап ҳам бежизга айтилмаган. Шу боис ҳар бир одам ўз танасида қандай жараёнлар кечаётганини менимча яхши билади. Лекин ҳафсаласизлик деймизми, беparволикми, хуллас, ҳолдан тойиш арафасида шифокорга боради. Умуман, бошқа аъзоларни қўя турайлик, ошқозон-ичак фаолияти қай аҳволда эканлигини аниқлаш учун қанча муддатда дўхтирга мурожаат этиш керак?**

— Тўппа-тўғри, мана, мен йигирма йилдан ортиқроқ шу соҳада ишлаётган бўлсам, ҳали бирон киши "мен ўзимни бир текширтириш учун келдим" деганини эслолмайман. Қабулимга келаётганларнинг тўқсон тўққиз фоизи у ёки бу кўринишдаги касаллик хуруж қилгач, ноиложликдан даво истаб келади. Ана шунда куйиниб кетаман: "Э, барака топгур, шунча пайт қаерда эдингиз, ҳеч бўлмаса тўғри овқатланиб юрганингиздаям ошқозон "бечора"ни бу даражада қийнаб қўймасдингиз-ку", десам, "вақт қайда шунга, бола-чақа, тирикчилик билан оворамиз-да", дейишади. Ахир, саломатликнинг олдида бизнинг ҳар қандай ташвишу юмушимиз ҳеч нарсага арзимаслигини дард чекиб, бошимиз ёстиққа текканидан кейингина англаймиз. Шу боис мен биринчи навбатда ҳузуримга келаётганларга, қолаверса, бошқа давраларда ҳам "ҳеч бўлмаса йилда бир мартагина ошқозонни гастроэнтеролог кўригидан ўтказиб қўйсангиз, эртага дўхтирма-дўхтир югуриб юрмайсиз", дея маслаҳат бераман. Огоҳлантириш, тўғри йўл кўрсатиш — бизнинг бурчимиз.

**— "Ранг кўр, ҳол сўр", деган ажойиб нақлимизни ўз соҳангиз билан боғлиқ ҳолда шарҳлаб берсангиз.**

— Тажрибали шифокор исталган одамнинг юз-кўзию, ранг-рўйига қараб, қандай дардга чалинганини аниқлай олади. Энди ошқозон-ичак тизими билан боғлиқ касалликларга чалинган бўлса, асосий белгиларидан бири камқонлик яъни анемиядир. Бунда ошқозонда темир моддасининг ҳазм бўлиши қийинлашади, натижада қон таркибида бу модда камаяди, ҳолсизлик юзага келиб, ранг оқаради, тери қизғиш, юзларда сўлғинлик пайдо бўлади. Витаминлар камайиб, оғиз бўшлиғида стоматит яра тошади, даволанса ҳам яна кўп ўтмай, чиқаверади. Академик Павлов таъбири билан айтганда, "ҳазм қилиш тизимининг ойнаси — ТИЛ"нинг ранги оппоқ бўлса, демак, ошқозондаги гастрит, меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраси касалликлари белги бераётган бўлади. Ёки тил малинасимон тус яъни қизариб турган бўлса, бу жигардаги ўзгаришдан хабар беради.

**— Бугунги кунда соғлом турмуш тарзига риоя этмаслик, шу жумладан, овқатланиш тартиби ҳақида етарли тушунчага эга бўлмаслик оқибатида турли хил хасталиклар келиб чиқаётгани ҳақида мутахассислар бонг уришаяпти. Бу ҳақда сизнинг кузатувларингиз қандай?**

— Биласизми, мен деярли ҳар куни турли тоифадаги, ёшдаги кишилар билан юзма-юз гаплашаман. Бири озғин, нимжон, бошқаси эса ҳаддан ташқари семириб кетган, ёки аксинча, бир қарашда соппа-соққа ўхшайди. Лекин секин гапга солсам, деярли кўпчилиги ўша сиз айтаётган соғлом турмуш тарзи ҳақида кам тасаввурга эгалиги билинади ва қўпол айтганда, қадригамас, қорнига йиғлайди, яъни бутун фикр-хаёли нима дуч келса, ейишни билади, холос. Организми нимани ҳазм қилади, қайси таомни кўпроқ истеъмол қилса, безовта бўлади, бу билан иши йўқ. Бир мисол, кунора чойхонадан бери келмайдиганлардан бирига "ош, хамирли ва қовурилган гўштлардан парҳез қилмасангиз, эртага ўзингизга оғир бўлади" десам, ҳатто мендан хафа бўлиб "дўхтир, мен ўзим биламан, нимани еб, нимани емасликни, сиз ҳазм қиладиган дориларни ёзиб беравермайсизми?" деб чиқиб кетди. Мен дейману, қўбизим не дейди? — деганларидек, ахир, биз шифокорларнинг вазифамиз одамларни кўриб, фақат уч-тўрт хил дори-дармонни тавсия қилиш эмас, балки ҳар бир бемор билан чин дилдан гаплашсак, ва у ана шу маслаҳатларга қатъий амал қилиб, имкони бўлса, бизнинг қабулимизга қайтиб келмаса, юзимиз ёруғ бўлади!

**"Оила ва жамият" мухбири Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА суҳбатлашди.**

✓ ЎРГАНГАНИНГ ЎЗИНГГА

## МАҲСУЛОТЛАРНИ САҚЛАШ

➔ Янги **сут**ни қоронғи жойда сақлаган маъқул, чунки нур таъсирида у кўпгина витаминларини йўқотади.



➔ **Кунгабоқар** мойи айниб қолмаслиги учун, жуда ҳам зич ёпилмайдиган идишда сақлаш керак. Унга озгина ош тузи солиб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

➔ **Ёрма, туз, ун, қуруқ меваларни** сақлашдан олдин қуритиш фойдадан ҳоли эмас. Бунинг учун уларни оғзи очиқ ҳолатда духовкага солиб, 40-50° С да бир оз вақт ёки иссиқ хонага юпқа қилиб ёйиб қўйиш керак. Бундай маҳсулотларни халталарда, қоғоз пакетларда, қопқоғи яхши бекилмайдиган металл ёки шиша банкаларда сақлаш маъқулдир. Аммо бундай идишларда ҳам вақт ўтиши билан ўзига хос ҳид ва маза пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун банкани вақти-вақти билан очиб, шамоллатиб туриш керак.

➔ Сунъий ёритгичлар сабзавот, меваларга ёмон таъсир этади. Шундай ёритгичлар **картошка**да киши организми учун зарарли бўлган модда пайдо қилади. Бу модда картошканинг кўкимтир ва ўсимта ерларида кўп тўпланади.

Баъзилар сабзавотдан тайёрланган таомларни фақат совуқда сақлаш керак, деб ҳисоблайдилар. Бу хато фикрдир. Кўпгина сабзавотли таомлар паст температурада С витаминини тез йўқотади. Масалан, димланган карам сутка давомида 90 фоиз С витаминини, пиширилган ва кесилган картошка эса 4 соатдан сўнг 40 фоизини йўқотади. Тузланган карамни музлатиш С витаминини 20 фоиз йўқотишга олиб келади.

## ОРОЙИШ

Юзингиз ҳам вақти-вақти билан эътиборга муҳтож бўлади. Қуйидаги сабзавот ва мевалардан тайёрланган ниқоблар юзингизни нафақат тозалайди, балки ёшартиради.

**Сабзидан ниқоб:** 1 дона сариқ сабзини қирғичдан чиқариб, бир-икки томчи лимон шар-



бати ва тухум сариғини қўшинг. Ушбу аралашмани 25 дақиқа юзингизга суриб қўйинг, сўнгра илиқ сув билан ювиб ташланг.

**Олмали ниқоб:** битта олмани эзилгунча пишириб, озроқ миқдорда сут қўшинг. Ушбу қуюқ аралашмани юзда 20 дақиқа ушлаб, совуқ сувда чайинг.

**Бодринг**дан тайёрланган қуйидаги ниқоб фақат қуёш нурларидан ҳимояланиш учун эмас, балки компьютерда кўп ишлайдиганларга ҳам фойдали. У юз терисидаги чарчоқни кетказади, теридаги ҳаво алмашинувини яхшилайди ва оқартиради. Бунинг учун бодринг пўчоғининг ўзи кифоя.

**Б.СУЛТОНОВА тайёрлади.**

# МАЛҲАМИ ЖОН

✓ ТАБИАТ — ДОРИХОНА

Асаб тизимини тинчлантирувчи табиий воситаларидан бири (хмель) қулмоқдир. Қулмоқ чирмашиб ўсувчи ўт ўсимлик. Унинг пояси олти қиррали, барглари бутун ёки 5 бўлакли, йирик, аррасимон қиррали. Узун банди ёрдамида пояда қарама-қарши жойлашган.

Қулмоқнинг мева «ғудда»лари саноат миқёсида ишлаб чиқарилувчи ичимликларда ўзгача таъм ва хушбўйликни таъминловчи омил. Алоҳида навли нонларни ёпишда асқотадиган суюқ хамиртуруш сифатида қадрланади.



Доривор омиллар қаторига қулмоқнинг «ғудда»си, барглари ҳамда новдалари асос бўла олади. Шуниси диққатга сазоворки, ўсимлик «Новопассит» номли дори воситаси таркибига киради. Ушбу дори воситаси кишини тинчлантиради, руҳий азобларга қарши курашиш хусусияти бор.

Халқ табобатида қулмоқ иштаҳа очувчи, меъда яллиғланишида (гастрит), сурункали ич кетишда истеъмол қилинади. Ундан тайёрланадиган қайнатма қовуқ шамоллашида, неврастения (ҳолдан тойиш ва ўта чарчаш натижасида асаб тизимининг функционал бузилиши), невралгия (периферик асаб тизимининг иш фаолияти бузилиши натижасида пайдо бўладиган оғриқ), радикулит (беланги) касаллигида оғриқ қолдирувчи, тинчлантирувчи таъсир кўрсатади.

Қулмоқ асосида тайёрланадиган доривор омиллар оғриқ қолдирувчи сифатида жигар, талоқ, буйрак, ўт пуфагининг яллиғланиши, истисқо ва сариқ касаллигида фойдали ҳисобланади. Модда алмашинувининг бузилиши натижасида содир бўладиган иллатли яраларда қулмоқ дориворларини истеъмол қилиш тавсия этилади.

Темиратки ва лат ейиш билан озорланиш содир бўлганида боғлама сифатида фойдаланилади. Шамоллашда ва бод касалликларида оғриган жойнинг териси устига қон юриштирувчи омил сифатида қуритилмаган илдизи янчиб қўйилади.

Қулмоқнинг мурғак новдалари қайнатиб истеъмол этилса, киши танасини мустаҳкамлаш билан бирга, ошқозон-ичак йўли хасталикларидан муҳофаза қилади.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.**

# ОЙНИНГ ЎН БЕШИ...

— Садоқат опа! Садоқат опа, дейман? Тўйга юринг, — дейди қўшнилар.

— Ишларим кўп, айланай. Бошқа тўйларга борарман, — дейди ҳар доимгидай Садоқат.

У табассум қилиб қўшниларига жавоб бериб юборса-да, ўкинч ва армон тиғлари юрагига қадалаверади, қадалаверади. Ҳар доим шу. Тўйнинг карнай-сурнай садоларидан ҳасрати тошиб, ўксиниб йиғлаган пайтлари кўп бўлган...

Садоқат яхши бир хонадонга келин бўлиб тушди. Ой-куни яқин қолганида сигир соғиб, сутини пиширaётганда ҳушидан кетиб қолди. Бундан хавотирга тушган уйидагилар уни туман туғруқхонасига олиб бордилар.

— Буйрак етишмовчилиги, — хулосага келди навбатчи врач. — Катта врачни чақиртириш керак. Балки жарроҳлик йўли билан болани олиб ташлашга тўғри келар.

Илож қанча. Яқинларининг бу таклифга рози бўлишдан бошқа чоралари йўқ эди.

— Чақалоқ соғлом ва дадил, — ҳамма хавф ортда қолган бўлсада, операция сифатсиз қилинган. Бачадон йиринглаган. Олиб ташланмаса, онага ҳаёт йўқ, — дейишди врачлар.

Операция қилган шифокор бепарволик қилиб, қайнатилмаган асбоб-ускуналарни ишлатган экан. Қирқ кун деганда врачларнинг саъй-ҳаракати туфайли Садоқат ҳаётга қайтди.

— Чақалоқнинг соғлигига эҳтиёт бўлинглар, Садоқат бошқа фарзанд кўролмайди, — деди врач келиннинг қайнотасига.

Садоқат соғайиб, бағрини



тўлдириб уйига қайтди. Шу кундан эътиборан, унга бўлган муносабат ўзгариб бораверди. Куёвга отаонаси:

— Бир қиз билан умрингни ўтказасанми? Бунинг устига келин ҳам ярим жон бўлди, — дея кун бермади.

«Одамни одам бузади», деганларидек, куёв ота-онасининг гапига киришдан бошқа чораси қолмади: — Сендан бошқа фарзанд кўролмайман, мен ҳам бошқаларга ўхшаб ўғилли бўлиб, элга тўй беришни хоҳлайман. Шунинг учун ажрашамиз, — деди кунлардан бирида у.

Садоқатнинг темир қўрғони нуради. Орзулари армонга айланди. Кечагина у: «Тақдир бизни қўшган экан, ҳаётда бўладиган яхшию ёмон кунларда елкама-елка яшаймиз. Сени ҳеч кимга алмаштирмайман», — деб қасам ичмаганмиди?

Шундан бери унга тўй дейишса, бошига тўқмоқ теккандек бўлади. Тўйларга борса, кимдир биров қўлини бигиз қилиб: «Шу қувончли кунни худо сенга раво кўрмади» деяётгандек бўлаверади.

Йиллар ўтди. Садоқат ҳар бир кунига шукур қилиб, қизи билан овуниб, кунларни ўтказаверди.

Қаранг-а, бахт деганининг эрта-кечи бўлмас экан. Бугун Садоқат хола икки ўғил неварасининг суннат тўйини ўтказмоқда. Шодлиги оламга татигулик. Қизининг дугоналари уни ҳам ўртага ўйинга тортишди. Худонинг берган бу бахтидан қувончининг чеки йўқ. Кулиб ўйнаяпти-ю, кўзлари йиғламоқда. Она деган хилқатнинг табиати шунақа. Қувонса ҳам йиғлайди.

Ҳа, айтгандай... Собиқ эри бировга уйланиб, уч қиз кўрди. Бу оқшом тўйнинг куй-қўшиқлари унинг миясига игна бўлиб санчилаяпти. Чунки, Садоқат невараларининг суннат тўйини ўтказаётган, ота эса ўз фарзандининг яхши кунида қатнаша олмаётганидан изтиробда тўлғонаётган эди-да.

**Турсунбой БОЙМИРОВ**

**ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА**

# АЁЛ

Бу аёлни ғам қаритган. Кўзлари ёшли, қарашлари бепарво, маъносиз. Ўз ташвишларини ҳикоя қилиб, ҳорғингина кулиб қўяди. У ҳозир ҳеч нарсани истамайди, фақат тинч қўйсалар бас. Қаергадир бош олиб кетса-ю, эрини, унинг маъшуқаларини кўрмай яшаса. Ғам билан йўқотган соғлигини тиклаб олса. Ҳеч ким унинг иззат-нафсига тегмаса, масхара қилмаса.

Лекин ўртада фарзандлар бор. Тўрт нафар ўғил-қиз! Тўғриси, улар катта бўлиб қолишган, оқ-қорани, яхши-ёмонни билишади. Озми-кўпми, ота-она ўртасидаги совуқ муносабат сирларини ҳам пайқашади. Лекин бола барибир, бола-да. Ота-онага ақл ўргатиб, ножўя хатти-ҳаракатини қоралай олмайди. Қўлидан бир иш келмайдиган, иложсиз болалар!

Баъзан аёлнинг кўзига болалари ҳам кўринмай қолади. «Отанг, нима кароматкўрсатдики, сенлар кўрсатасан», дейди. Лекин бу сўзларни у фақат ичида айтади, холос. Бу ҳам жаҳли чиққанининг боиси. Аслида, у болаларини қаттиқ севади, ўшалар борлиги туфайли ҳаёт қизиқ. Эри билан ажралган заҳоти болаларини оладию, узоқ-узоқларга, қариндошлари ҳузурига кетади. «Юзи қурсин, гулдай турмушимга тикан бўлиб санчилганларни. Кўрмай ҳам, куймай ҳам уларни», — дейди ўзича.

Аёлни эри шу кўйга солди. Бинойидай яшашарди. Кейинроқ эрининг қадам босиши бежо эканлигини сезиб қолди. Уни инсофга чақирди, бўлмади. Эрининг ким билан «дон олишиб» юрганини ҳам эшитди. Кошки тузукроқ жувон бўлса, аҳлоқсиз, нопок бир кимса.

Аёл киши бахтини бировга бериб қўйишни истармиди? Ўша жувон билан суҳбатлашди, натижа бўлмагач, унинг иш жойига борди. Сўнг эрининг раҳбарлари ҳузурига йўл олди. Лекин ҳеч ким уни тинглашни истамади. У ҳамма ўз ҳузур-ҳаловатини кўзларкан, деб ўйлади.

Аста-секин ўша нопок аёл уни масхара қиладиган одат чиқарди. Уйқу аралаш «қалайсан энди, эринг бугун ҳам менинг олдимда. Баттар бўл», — деган сўзларни эшитди. Бир эмас, икки эмас, кўп марта, жаҳлидан телефонни чилпарчин қилди. Ўз хотинини қандайдир аёлга масхара қилдириб қўйган эрига нисбатан нафрати ошди. Кўришга тоқати қолмади.

Судга ариза берди...

**Лола ЎРОҚОВА**

# БАХТИНГИЗ БУТУН БЎЛСИН

***бу самимий ният янгийўллик Клара Қурбонованинг ҳаётий шиорига айланган***



Болалигидан қўғирчоқларига укол қилиб, «дўхтир опалари»га ўхшашни орзу қилган Кларахон вояга етиб, Тошкент давлат тиббиёт институтига қабул қилинганида, қувончининг чеки йўқ эди. Талабалик фасли, синовли, ҳаяжонли йиллар бўлғуси шифокорни улғайтирди, ўстирди. Дастлаб Янгийўл шаҳар шифохонасида акушер-гинеколог, сўнг туғруқхона раҳбари, кейинчалик эса шифохона бош ҳакимининг ўринбосари бўлиб ишлади. 1997 йил (истиқлол шарофати туфайли юртимизда мулкни хусусийлаштириш ҳаракатлари бошланган давр) да биринчилардан бўлиб шаҳардаги икки қаватли иккита бинони хусусийлаштириб, уни бир йил давомида бутунлай қайтадан таъмирлади. Ниҳоят, унинг азалий орзуси ушалди — барча шарт-шароитларга эга бўлган тиббиёт мажмуаси ишга тушди. Унга малакали шифокорларни жалб қилди. Қирқ нафар киши иш билан таъминланди. Муҳими, туман ва шаҳар аҳолиси малакали мутахассисларнинг кўригидан ўтиш, маслаҳатини олиш ва шу ернинг ўзида тиббий муолажаларни ҳам қабул қилиб, яна бемалол ўз юмушларини давом эттириш имкониятига эга бўлдилар. Шунингдек, бинонинг ичида дорихона ҳам очилди. Шифокор-тадбиркорнинг эзгуликка тўла кўнглида яна бошқа хайрли ишларни ҳам амалга оширишга рағбат туғилди. У Қизил Ярим Ой жамиятининг Янгийўл шаҳар бўлими раиси сифатида уйда таълим оладиган 20 нафар ногирон бола учун ёзги оромгоҳ очилишига ҳам бош-қош бўлди. Уларни магнитофон ва телевизорлар билан таъминлаб, болаларнинг билим олишларини осонлаштирди. Айниқса, Кларахон Қурбонованинг ташаббуси билан қариялар ва тиббий ёрдамга муҳтож одамларнинг уйларига бориб, муолажа қилиш учун икки нафар «шафқат ҳамширалари» жалб қилинди. «Меҳрибон опа» байрамларда 20 нафар қария ҳамда 15 чин етимларга совға-салом улашиб, кўнгил сўрашни-да ҳеч қачон канда қилмайди. Маҳаллаларда, мактаб-лицейларда ташкил этилган учрашувларда «Инсон инсонга дўст», «Ёнингдаги одамга беларво бўлма», «Саховатнинг савоби бисёр» мавзуларида суҳбатлашишдан чарчамайди...

Шунингдек Кларахоннинг оиласи ҳам ибрат олса арзигулик. Турмуш ўртоғи Холмурод ака (муҳандис) билан тўрт ўғилни вояга етказиб, элга қўшди. Ўн икки нафар набирасининг қувноқ кулгусини эшитганида дунёдаги барча болаларга шундай бахтни соғиниб яшаётган бу мунис ва меҳрибон аёлнинг шаънига таъриф тополмайсан, киши. Уни таниган, билган янгийўлликлар таъбири билан айтганда, умрининг энг азиз лаҳзаларини саховатга бағишлаб яшаётган «меҳрибон опа»нинг ҳар доим толеи баланд бўлсин, деймиз!

**Санобар ФАХРИДДИНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

**ОДАМЛАР ОРАСИДА**

Андижон вилоятининг Избосқан туманидаги Пойтуғ шаҳарчасида туғилиб ўсган Давлатхон Юнусова ёшлигиданоқ тасвирий санъатга қаттиқ меҳр қўйди. Болалар боғчасида тарбиячилари кўмаги билан мустақил расмлар чизиб, танловларда иштирок этди. Ундаги бу қизиқиш мактабда ўқиб юрган кезларида ҳам сўнмади. Лекин отаси Турғунбой ака у мактабни тугатаётган йили...

— Қизим, бизнинг ниятимиз сен келгусида ҳуқуқшунос бўлсанг, дегандик, лекин, истеъдодингни кўриб-билиб турибмиз.



# ПОЙТУҒЛИК КЕЛИННИНГ ПОЙҚАДАМИ

***ёққанлиги туфайли Нуротада мусаввирлар кўпаймоқда***

Чизган расмларинг танловларда юқори ўринларни эгаллади. Яна ўзинг биласан, — деганида, Давлатхон қатъий туриб:

— Меъмор бўлмоқчиман, — деб жавоб берди.

Давлатхон Юнусова Самарқанд Давлат архитектура ва қурилиш институтига ўқишга кириб, малакали мутахассис бўлиб етишди. Тақдир экан, ўзи билан шу институтда ўқийдиган нуроталик Акмалжон Тошназаров билан танишиб, оила қуришди.

Давлатхоннинг танлаган касбида ишлаши учун оилавий муҳити яқиндан кўмак берди. Бугун водийлик келиннинг ҳаётда ўз ўрнини топишида келин бўлиб тушган хонадонидагиларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

Айни пайтда Давлатхон Юнусова Нурота туманида жойлашган Ўзбекистон Бадиий академиясига қарашли Навоий вилоят ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатида тасвирий санъат йўналиши бўйича ёшларга сабоқ бераяпти.

— Давлатхон энг аввало ўз устида қаттиқ ишлайди, қолаверса, шогирдларига ҳам ғоят талабчан, — дейди Бадиий Академиянинг ижодкорлар уюшмаси аъзоси, олий тоифали ўқитувчи Наимжон Қодиров. — Ундаги яхши фазилатлар, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашаётганини, ўзининг севган касбини меҳр билан ардоқлаётганини кўриб, кўпчиликнинг ҳаваси келади.

Ўн икки йилдирки, ёшларга тасвирий санъат сирларидан сабоқ бериб келаётган муаллиманинг шогирдлари ҳам талайгина. Мактаб-интернатнинг 7-синфида таълим олаётган Ашурой Адизова «Янги авлод», «Келажак овози» кўрик-танловларида иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритди. Пойтахтда ўтказилган «Тошкент қувончлари» II-Халқаро болалар расмлар танловида иштирок этиб, фестивал дипломи ва олтин медали билан тақдирланди.

Жавлон Саимов, Азиз Барноев, Суннат Аминов сингари мактаб-интернат ўқувчилари ҳам Давлатхон Юнусовадан мусаввирлик сирларини мукаммал ўрганиб, қатор кўргазма ва танловларда иштирок этиб, илм даргоҳи шарафини муносиб ҳимоя қилишяпти.

Навоий вилоятининг тоғли Нурота туманига Андижоннинг Пойтуғидан ёруғ ниятлар билан келин бўлиб тушган Давлатойнинг бугун бахти бутун. Умр йўлдоши Акмалжон билан фарзандлари Азиза, Мафтуна, Сарвиноз ва Сардорбеклар ҳамма ҳавас қилгулик даражада вояга етказишмоқда.

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

# Икки дунё оралиғида

**Шодмон ОТАБЕК**



**(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)**

Автобус паст-баланд асфальт йўлдан елиб борар, уфққа ёнбошлаган қуёш атрофга қонталаш шуъла таратар эди. Салима тезроқ уйга етишни, ҳозиргина кўнглига ғулғула солган сўзларнинг маъно-мағзини якка-ёлғиз қолиб, ўзича мушоҳада қилишни хаёлидан ўтказарди. У маҳалласига етмай, Ҳамида билан тушиб қолмоқчи бўлувди, дугонаси қўймади, йигитга сездирмай бармоқларини лабига босиб, «жим» ишорасини қилди ва тирсагидан ушлаб, қайта жойига ўтқазиб қўйди. Тушаётганда секин кўзини қисиб, сирли кулимсиради. Салима автобусда бир ўзи қолдию, ногоҳ юрагини ваҳима босди. Йигитга ҳадиксираб, ёвқараш қилди. Тушиб қолмаганига афсусланди.

Навбатдаги бурилишга борганда автобус тезлигини пасайтирди. Йигит беихтиёр орқасига ўгирилиб, қизга шундай бир меҳр-ташналик билан қарадики, бир лаҳза иккиси ҳам бир-биридан кўз узолмай қолди. Салиманинг боши тарс этиб деразага урилди. Салим йўлдан чиқиб кетаётган машинани катта ариқ ёқасида аранг тўхтатди. Иккови ҳам бир-бирига тикилиб турди-ю бараварига кулиб юборишди. Автобуснинг овози ҳам негадир ўз-ўзидан ўчди-қолди.

— Сиз билан йўлга чиқиш хавфли экан. — Йигит қиздан кўзини узолмай, қувониб гапирди.

— Ўзингиз айбдорсиз. — Қиз ҳам очиқ чеҳра билан жавоб қилди. — Ҳайдовчининг қўли рулда, кўзи йўлда бўлиши керак.

— Тўғри, аммо сиз мени сеҳрлаб қўйдингиз, кўзингиз кўзимни, ўзингиз ўзимни.. Қизиқ, сўзларим шеърга ўхшаб кетяпти. Шоирлар илҳомни қаердан олишини энди тушундим.

Қизнинг чеҳрасидаги ёрқин, хуррам ифода ўрнига хижолат аломати қалқиб чиқди.

— Салимахон, тўғрисини айтинг, кўнглингизни ҳеч ким банд қилмаганми? Ҳеч кимни...

— Менга бунақа гапларни айтманг.

— Ундай бўлса, — қизнинг жавобидан йигит дадилланди, ҳатто мамнун бўлди, — сиз... сиз рози бўлсангиз, ойимни сизларникига юборсам...

Салима ялт этиб йигитга қаради-ю, дарҳол кўзларини олиб қочди, яна бошини кўтаролмай қолди. У умр савдосини шу тарзда, ҳали кимлиги яхши маълум бўлмаган, бегона бир йигит билан, шу алфозда ҳал қилишни тасаввур қилмаганди. Рўпарасида бир оғиз сўзига интиқ-илҳақ бўлиб турган бу йигит ўзига ёқадими-йўқми — бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўрмаган, тўғриси, бунга ботинмаган, яна алданиб қолишдан қўрқар эди. Мана, энди буни ҳозир, шу тобда айтиши, шу тобда бахти — тақдирини ҳал қилиши лозим. Мабодо айтмаса, йигитни яна бир оз синагиси келса-чи? Аслида шундай қилиши ҳам керак-ку! Унда нима бўлади? Наҳотки, у шунда айниб, «уйдагилар шошириб, қўйишмади», дея бошқасига уйланиб кетса? Унда ҳозир айтган ҳамма гаплари, илтижоли термулиб туришлари — ҳамма-ҳаммаси ёлғон! Ёлғон! Агар шундай бўлса, уйланиб кетақолсин. Афсусланмайди. Йўғ-э, наҳотки афсусланмаса? Унда ишхонадан чиққач, дарров йўл четига қараб, ўша ҳаворанг автобусни қидириб қолиши, кўча-кўйларда шунақа автобусларни кўрганда «шу эмасмикин?» дея юраги бир орзиқиб кетиши ниманинг аломати?

Йигит гўё қизнинг кўнглидан кечган ўй-кечинмаларни пайқагандек арқонни узун ташлади:

— Тағин кўнглингизга олиб юрманг, сизни... сўраб-суриштирдим. Ҳаммасидан хабарим бор. Беш қўл баробар эмас. Агар менга ҳам ишонмасангиз, майли, синанг. Кутинг десангиз яна кутай. Фақат мен... умид қилсам бўладими? Шуни... бир оғиз айтсангиз.

— Мен билмайман, Салим ака, — қиз биринчи марта йигитнинг исмини тилга олди. — Ҳали ўйлаб кўришим керак, агар сизни шошираётган бўлишса...

— Йўқ-йўқ, қанча десангиз шунча кутаман. Ихтиёр ўзимда. Менга сиздан бошқаси керак эмас.

Салиманинг кўнглидан кечгани, дарҳол юзига қалқиб чиқади. У шунақа қизлар тоифасидан эди. Бу гапларни эшитгач, юзлари ловуллаб, яйраб-яшнаб кетди.

Чамаси, ўша кунги дил изҳори ҳамма нарсани ҳал қилди. Орадан бирон ҳафта ўтар-ўтмас Салимнинг онаси иккита хотин билан тугун кўтариб, совчиликка келишди. Салима онасининг сўровига: «Ўзинглар биласизлар», деб қўя қолди. Хуллас, нон ушатилди. Ёзга чиқиб, тўй бўлди...

* * *

Айрим оилаларда кенжа фарзанд анча эрка-тантиқ бўлади, уй юмушлари асосан катталар зиммасига юклатилади. Салима ундай эмас эди. Онаси, опаларидан овқат қилиш, рўзғор тутишни яхшигина ўрганганлиги мана энди асқотди.

Қайнотаси Абдуҳаким ака билан қайнонаси Каромат хола ўғилларини еру кўкка ишонишмас, не-не жойлардан топилган ажойиб қизларни ёқтирмаган ёлғиз фарзандлари танлаб-танлаб тозисига учраб қолишидан хавотирда эдилар. Тўйдан сўнг кўп ўтмай шубҳалари беҳуда эканлиги маълум бўлди-ю, чолу кампир бараварига суюнишди. Ҳар қадамда келинпошшанинг қилган ишини мақташади, пиширган овқатини алқаб-алқаб ейишади.

Икки хонадон ўртасида борди-келди бошланди. Роҳила хола ҳам қизининг янги рўзғоридан кўнгли тўқ, ҳар келганда суюниб кетади. «Салима, ишқилиб, кўз тегмасин, бахтим очилгани рост бўлсин», — дея ўзича шукрона келтириб қўяди. Турмуш қурган айрим дугоналарининг «ҳушёр бўл, бу ҳаммаси асал ойи ўтгунча шириннинг аччиғи ҳам бўлади, кўрасан ҳали», деган гапларини эслаб, кўнгли ғаш тортади: «Наҳотки шу гаплар рост бўлса, наҳот, ҳамиша шундай ширин, тотув яшашнинг иложи бўлмаса?!».

Тўғри, рўзғорда паст-баланд гаплар, қувонч-ташвишлар ҳар доим ёнма-ён юришини ўзича тасаввур қила олади, аммо ҳозирги туриш-турмушидан жуда-жуда мамнун, уни сира ўзгартиргиси келмас эди.

Салима ҳар куни ишдан келади-ю, шоша-пиша кийимларини алмаштириб, овқатга уннайди. Қайнонаси кўпинча масаллиқни тўғраб-тайёрлаб қўяди. Куёвбола гоҳо ишда ушланиброқ қолса, келинпошшанинг томоғидан овқат ўтмайди. Гулли сочиқлар, бежирим кашталар, палак ва сўзаналар, чўғдай гиламлар осилиб, безатилган келинлик уйига кириб олади-да, ширин-ширин хаёл суриб ётаверади. Ҳовлида куёвнинг шарпаси эшитилгандаёқ жўрттага аразлаган бўлиб, ёстиққа мукка тушганча кўзларини юмиб олади. Эшик оҳиста очилади. Куёв қайлиғининг оромини бузмаслик учун оёқ учида юриб келиб, ёнига чўккалайди. Бир лаҳза «Наҳотки, шу менинг қайлиғим бўлса?» дегандек, парирухсорига ташналик билан термулиб қолади. Кўп чидолмайди, меҳри товланиб, секин кўтарилиб тушаётган нозик елкаларга бақувват, чайир қўлларини қўяди. Қайлиқ бир титраб кетади, секин ёнбошлаб, кўзларини ярим очади, ёқимли жилмаяди, кейин сал сурилади. Куёв секин қайлиғининг ёнига ёнбошлайди, ўт бўлиб ёнаётган чиройли ияклар, момиқ томоқларга аввал иссиқ нафаси, сўнг мўйлови тегади. Қайлиғи қиқирлаб, бўйнидан маҳкам қучоқлайди. Бир-бирини ёш боладай эркалашади, суйиб-суюнишади. Овқат ҳам эсларидан чиқиб кетади...

Ҳаётидан, туриш-турмушидан мамнун одам кунлар, ойлар ва ҳатто йиллар қандай ўтганини сезмайди. Салиманинг бу хонадонга келин бўлиб тушганига ҳаш-паш дегунча икки йил тўлди. Тўйлари бўлиб ўтган кун — оилавий байрам! Ўша куни Салим худди ўтган йилгидек қайлиғи ва ота-онасига бир сидра янги кийим-кечак, совға-салом келтирди. Сўнг автобусда бориб, қайнона, қайнотасини ҳам олиб келди. Икки хонадон жамулжам бўлиб, янги рўзғор дунёга келган кунни нишонлашди. Кексалар ёшларга фарзанд тилаб, қайта-қайта юзларига фотиҳа тортишди. Бу тилаклар бежиз айтилмаётганини пайқаган Салима чуқур хўрсинди, ҳали ярим бўлмаган иссиқ чойнакни кўтариб, ошхонага чиқди. У ерда анча ҳаяллаб қолди. Қайтиб ичкарига киргиси келмас, худди ўзини айбдордек ҳис қилар эди. Салим хотинидан хабар олгани чиқди. Унинг хомуш қиёфасини кўрди-ю, ҳаммасини тушунди. Ёнига келиб, секин елкасига қўлини қўйди.

— Кўп сиқилаверма, жоним. Ҳали... ёшмиз-ку.

— Тезроқ бўла қолса эди. Майда-чуйда гаплар, ғийбатлардан безор бўлдим.

— Бошқаларнинг нима иши бор экан? — Салим аччиғланди. — Энди икки йил ўтди. Беш-ўн йиллаб фарзанд кўрмаганлар бор. Вақти-соати билан бўлади-да!

— Дўхтирларга бир кўриниб қўйсак, ёмон бўлмасди. Лоақал маслаҳат бериб, йўл-йўриқ кўрсатишар.

— Бўпти, ҳозирча ўзинг кўриниб тур, мен... кейинроқ учрарман, ишим тиғиз шу кунларда. Хўпми?

Кўйлак ёқасидаги тугмачани хаёлчан ўйнаб турган Салима, индамай бошини силкитди. Барибир уззукун руҳи синиқ юрди.

*(Давоми бор)*




## ЭНГ УЗУН ЛИМУЗИН



Кейинги йилларда юртимиз пойтахти ва катта шаҳарларида "Лимузин" туркумидаги чиройли, узун автомобиллар кўпайиб қолди. Улардан асосан никоҳ маросимларида фойдаланиш урф бўлгани ҳам сир эмас. Бу ажойиб машиналарнинг ҳар гал янгисини кўрганда, енгил машина ҳам шунчалик узун бўладими, дея бир зум ҳайратланиб қоласиз. Дунёдаги энг узун Лимузин калифорниялик автомуҳандис Жей Орберг томонидан ихтиро қилинган ва лойиҳалаштирилган. Ушбу транспорт воситасининг узунлиги 30,5 метр ва у ана шу натижа билан Гиннеснинг «Рекордлар китоби»-га киритилган.

26 ғилдиракли бу машина кўп функцияли машина ҳисобланади. Худди метро поездига ўхшаб, у ҳам иккиталик ҳайдовчи кабинасига эга: бири олдинда, иккинчиси орқада. Ахир бу автомобилни орқага буриб олиш учун қанчалик кенг кўча керак эканлигини тасаввур қиляпсизми? Шу боис уни бошқариш учун махсус ўқитилган ҳайдовчиларни жалб этиш кўзда тутилган.

Аслида у кўргазма экспонати сифатида ишлаб чиқарилган эди. Аммо автомобил соҳиби уни турли тадбирлар учун ижарага бериши мумкинлигини айтган.

Лимузин салони шинам ва гўзал ишланган бўлиб, унда йўловчи учун барча қулайликлар: замонавий турдаги маиший жиҳозлар, йўлдошли алоқа қурилмаси, ҳатто сузиш бассейни ва ётоқхона мебеллари ҳам мавжуд.

## ОЧОФАТЛАР МУСОБАҚАСИ



Жоий Честнат исмли калифорниялик йигитнинг ёши 20 да. У Тампе шаҳри яқинидаги "Аризона Милз Молл" савдо марказида бўлиб ўтган хот-дог ейиш мусобақасида янги жаҳон рекордини ўрнатди. Ҳудудий мусобақалар ташкилотчиларидан бири Жорж Костоснинг айтишича, ўтган галги мусобақада Жоий бир ейишда 53 та хот-догни паққос туширган япониялик Такеру Кобаяшига 1 дона хот-дог фарқи билан ютқазиб, иккинчи ўринни олган эди. Бу гал у 12 дақиқа мобайнида нақд 59 яримта хот-дог еб, ҳаммани ҳайратда қолдирди. Томошабинлар "бу очофат йигитлар ҳозир ёрилиб кетишади-ёв", дея ёқа ушлаб туришарди. Наҳотки, инсон ошқозонида ҳам нафси қадар чегара бўлмаса.

Албатта, Жоий Честнатга осон бўлмаган. Аммо, ҳар ҳолда у "ошқозон" спортидаги ўзининг ушбу муваффақияти Нью-Йорк бўйлаб бепул саёҳат йўлланмаси, бир йиллик ход-доглар заҳираси ва 250 долларлик мукофот сертификати билан тақдирланганидан мамнун. Ҳар қанча ҳайратланарли бўлмасин, ўз саломатлигини ўйлаган одам бу каби машғулот билан шуғулланмагани маъқул.

**Наргиза САРИМОВА тайёрлади**

# ГИННЕСНИНГ "РЕКОРДЛАР КИТОБИ"ГА ЖИЗЗАХЛИК ДАЪВОГАР

## Ўн мингдан ортиқ футболчининг исми-шарифи ва қайси жамоада ўйнашигача айтиб бера олади

**✓ ОДАМЛАР ОРАСИДА**

***Ориф ХОЛНАЗАРОВ — Жиззах вилоятининг тоғ ва адирликлар бағрида жойлашган Янгиобод туманидаги Чакан қишлоғида туғилиб ўсган. Ихтисослиги — филолог. Кўп йиллар туман газеталарида фаолият юритган. Айни пайтда эса туман ҳокимлигида маънавият ва маърифат масалалари бўйича мутахассис. Унинг ашаддий футбол "фанати" эканлиги ҳақида эшитган эдиг-у, лекин... Яхшиси, ўзи билан уюштирган блиц-интервьюни эътиборингизга ҳавола эта қолайлик.***

— **Ориф ака, сиз ҳақингизда қизиқ бир гап эшитдик.**

— Нима гап экан?

— **"Рекордлар китоби"га кириш учун тайёргарлик кўраётган экансиз?**

— Билмадим энди, ошна-оғайнилар "қани сенам бир ҳаракат қилиб кўрчи, биз қўллаймиз бу ёқда, шунча одам киритиляпти-ку", дейишганига ўйлаб ўтирибман.

— **Бу китобга кириш осон эмаслигини биласизми?**

— Албатта. Бошқалардан кам жойимиз йўқ эканлигиниям биламан, ука.

— **Ўзи сизда қандай қобилият бор?**

— Хотирамнинг мустаҳкам эканлиги. Ёшлигимдан футболга жуда қизиққанман, ҳатто отам мени бир пайтлар Тошкентдаги футбол мактабига ҳам олиб борганлар. Лекин касалланиб қолгач, қайтиб келганман.

— **Демак, футбол сизнинг "хобби"нгиз экан-да?**

— Ҳа, ўтган асрнинг 60 – йилларидан бошлаб, дунёдаги барча жамоа ва ўйинчиларнинг номи, исми-шарифларини ёзиб, йиғиб юрардим. Ишонасизми, уларнинг сони ўн беш мингдан ошган эди. Ҳаммасини ёддан билардим.

— Қайси давлатдан бўлсин?

— **Ўзингиз биласиз? Аралаш бўлсаям майли!**

— Унда бошладик: Чех, Дрогба, Баллак, Лэмпард, Малуда, Туре, Ван Перси, Адебайор, Аршавин, Роналду, Бербатов, Павлюченко.

— **Ўзимизникилардан-чи?**

— Уят бўлади-ку билмасам, ёшла-

машина тортаётган йигит, шуларни бемалол киритса бўлади-ку!

— **Ориф ака, ҳозир биласиз, Чакан қишлоғингиздан туриб, дунёнинг исталган давлати билан боғлана оласиз. Компьютердаги интернет орқали эса уйингиздан туриб гиннесчилар билан ҳам гаплашсангиз бўлади!**

— Йўғ-е, тил билмайман-ку?

— **Болаларингиз билар?**

— Яхши айттингиз-ай, бўлмаса, бугун катта ўғлим Сарварга айтаман. Икки яшар неварам Зилола ҳам тилга қизиқяпти. Буларам менга тортаяпти,



— **Йўғ-е, жуда ошириб юборяпсиз-ов?**

— Беҳазил. Лекин ўн йилча бурун эҳтиётсизлик туфайли ана шу йиғиб қўйган архивим ёниб кетди.

*(Шу гапни айтгач, орада бир оз узилиш бўлди ва қаҳрамонимизнинг овози маҳзунроқ чиқди — муаллиф изоҳи)*

— **Қоғозлар ёнган бўлса, хотирангиз бутундир?**

— Тўғри-ю, лекин барибир улар шунча йиллик меҳнатим маҳсули эди-да.

— **Хўш, Ориф ака, энди мақсадга ўтайлик, бу ёғи телефон ҳам текинмас.**

— И-е, шундай демайсизми, олдинроқ, узр. Ҳозир роппа-роса 10 000 нафар футболчининг исми-шарифини айтиб бера оламан!

— **Масалан, кимларни?**

— Европа ва Осиё, Болтиқбўйи давлатларининг исталган жамоасини, Россиянинг эса 2700 ўйинчисини биламан.

— **Келинг, Голландия жамоаларидан санаб беринг-чи?**

— «Аякс», «ПСВ-Эйндховен», «НЕК», «АЗ-Алкмар», «Твенте».

— **Етади, энди Англияга ўтайлик-чи?**

— «Челси», «Арсенал», «Ливерпуль», «Манчестер Юнайтед», «Астон Вилла». *(Суҳбатдошимиз тинмай санаб кетаверди, азбаройи берилиб кетгани боис, деярли бизни эшитмасди — муаллиф.)*

— **Ориф ака, эшитяпсизми, бўлди, ўйинчиларниям сананг!**

— Қайси давлатдан бўлсин?

ригa катта гапиролмайману, лекин 20-30 йиллик даврдагиларини сўрайверинг. Геннадий Красницкий, Биродар Абдураимов, Тўлаган Исоқов, Миржалол Қосимов, ҳозиргилардан яқиндагина "Қатар"га учта гол урди-ку, Фарҳод Тожиев, Ашурматов, Жепаров, Гейнрих, Одил Аҳмедов ва яна айтаверайми? Қаранг, санаб кўрмапман, бир неча мингга боради-ёв?

— **Айтаётганларингизни санаб кўрсак, қанча вақт кетади?**

— Қоғозга ёзсам, ҳар бирига бир дақиқадан кетади, бу дегани жами ўн минг дақиқа, яъни, 8 иш куни ҳисобида 21 кун бўлади.

— **Ёзиб ўтирмай, айтсангиз-чи?**

— Бу тарзда ҳам мумкин. Ўшанда вақт ярмига қисқаради.

— **Кеча-ю кундуз тинимсиз санасангиз-чи?**

— Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрмапман. Бу одамга ҳам руҳан, ҳам жисмонан оғирлик қилмасмикан?

— **Эшитгансиз-ку, айримлар бир неча кун кулиб, ҳатто йиғлагани учун Гиннес Рекордини ўрнатяпти. Сиз ҳам...**

— Бунинг учун қаерга мурожаат этиш керак, тартиб-қоидалари қандайлигини билмайман-да. Ўзбекистондан бу китобга даъвогарлар жуда кўп, ахир!

— **Қаердан биласиз уларни?**

— Кузатиб юрибман. Мана, Самарқанднинг Жом қишлоғида жуда зўр морбоз Алишер ака дегани бор ёки Наманганддан, шекилли, сочи билан хотирасига кўз тегмасин, зўр ҳозирдан! Бу, сўрамапман ҳам сиздан, ўзи мен ҳақимда сизга ким айтувди?

— **Баландчақирлик сизга ўхшаган яна бир хотираси мустаҳкам Ғайбулла ака Исмоилов бор-ку, уям минглаб одамларнинг исм-шарифи, телефонларигача ёддан айтиб беради, шу киши сизни роса мақтаганди. Насиб этса, яқин кунларда "Оила ва жамият" газетасида бу интервьюнгиз чиқади. Фақат суратингизни юборсангиз бўлди.**

— Э, ҳа, шундай демайсизми, тайёрланиб гапирардим, нима дейсиз, мендан бирор маънилироқ гап чиқдими, ишқилиб?

— **У ёғини газетада босилганидан кейин биласиз, хайр, омон бўлинг!..**

***P.S.*** *Ориф ХОЛНАЗАРОВ билан кейин ҳам уч-тўрт бора телефонда гаплашиб, суратини сўрадик. Қаҳрамонимизнинг соддалигини қарангки, (балки кўнгли хотираси каби кенг ва дарёлиги боис шундайдир), бир куни Жиззахдан қўнғироқ қилиб, нима дейди денг:" Бир расмчи мени суратга олиб кетувди, шуни ҳеч излаб тополмаяпман, нима қилсам бўлар экан-а?" Ҳазиллашаяпти, деб ўйласак, овози жиддий. Охири, "Ҳозир ҳар қадамда суратхона, компьютерхоналар бор-ку, ака, тушиб, ўша жойнинг ўзидан Тошкентга жўнатсаям бўлади", десак, кулиб-кулиб хайрлашди...*

**Рўзибой ҚЎЛДОШЕВ суҳбатлашди**

## ✓ «ЭНГ ЗУККО ОИЛА»

### ФИКР БЕЛЛАШУВИГА МАРҲАМАТ!

**▶ 1-САВОЛ**

Француз файласуфи Жан Жак Руссо: **«Агар мени Бастилия қамоқхонасига қамасалар, мен у ерда фақат битта нарсанинг суратини чизган бўлардим»,** деган. Ўйлаб кўрингчи, машҳур файласуф қамоқхонада ниманинг суратини чизиши мумкин эди?

**▶ 2-САВОЛ**

**Буюк кашфиётлар учун 99 фоиз меҳнат ва изланиш зарур дейдилар. Бир фоиз эса...** Хўш, мулоҳаза қилиб кўринг-чи, 99 фоиз меҳнат ва изланишга охирги нуқтани қўядиган 1 фоиз нарса нима?

**Ғолиблар учун таҳририятнинг махсус совғаси бор.**


**ОАЖ «AGRO INVEST SUG'URTA»**

**қуйидаги суғурта турларини тақдим қилади:**

- *Бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш;*
- *гаровга қўйилган мол-мулкларни комплекс суғурта қилиш;*
- *транспорт воситаларини суғурта қилиш;*
- *ипотека кредитларини комплекс суғурта қилиш;*
- *йўлдаги мол-мулкларни (юкларни) суғурта қилиш;*
- *кредитларни суғурта қилиш;*
- *тадбиркорлик таваккалчиликларини суғурта қилиш;*
- *лизингга олинган қишлоқ хўжалик техникаларини суғурта қилиш;*
- *қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчиларнинг бўлғуси бошоқли дон экинларидан (буғдой, арпа, сули, жавдар) кам ҳосил олиши натижасида кўрадиган молиявий зарарларни суғурта қилиш;*
- *қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчиларнинг пахта экинидан кам ҳосил олиш натижасида кўрадиган молиявий зарарларни суғурта қилиш.*

**ОАЖ «AGRO INVEST SUG'URTA» — бизнесда энг ишончли ҳамкор!**

**ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 273-74-86 (факс), 273-74-69, 273-74-59**


## КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

### ҚУЛФИ ДИЛЛАРНИ ОЧГУВЧИ ЗОТ:

«...Ривоятларга кўра, Тошкентнинг Кўкча даҳасида машҳур зот Шайх Зайниддин Бобо ер ости йўли орқали Қаффол Шошийни зиёрат қилиш учун қатнаб турган.»

### ЧЕКАЁТГАН АЁЛ: ДАРДИНГИЗНИ АЙТИНГ...

Бир куни... Расталардан "сигарет борми", деб сўраган кашандаларга: "Сизга қанақасидан керак? "Инфаркт"ми, «Ўпка сили»данми ё, хоҳласангиз "Рак"дан ҳам олаверинг, сал арзонроқ», деб туришса, қандай бўларкин-а?..


**Муассислар: Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

**«Шарқ»** *нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти – 15:00
Босишга топширилди – 16:00

**Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ**

**Қабулхона: (тел. ва факс) 233-28-20**

**Мухбирлар: 233-04-35, 234-25-46**

**Web-site: oilavajamiyat.uz**

**МАНЗИЛИМИЗ:** **Тошкент – 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй Мўлжал: «Олой» бозори ёнида**

**E-mail: oilavajamiyat@mail.ru oilavajamiyat@rambler.ru**

**Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.**

**ОБУНА ИНДЕКСИ** – 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169-**рақам билан **11.01.07**да рўйхатга олинган.
Буюртма Г – 332. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади – 12086
Навбатчи — **Барно СУЛТОНОВА**
Саҳифаловчилар — **Илҳом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ**
Мусаҳҳиҳ — **Саидғани САЙДАЛИМОВ**

**ISSN 2010-7609** 2 3 4 5 6 7 8